


496

10

2016/5

GULISTON





Haq yo'linda kim senga
bir harf o'qutmish ranj ila,
Aylamak bo'lmas ado
oning haqin yuz ganj ila.

Alisher NAVOIY





GULISTON

ijtimoiy-siyosiy, ilmiy-badiiy, madaniy-ma'rifiy jurnal

Jurnal 1925-yildan chiqa boshlagan

Muassis:

O'zbekiston Respublikasi

Madaniyat va sport

ishlari vazirligi

Bosh muharrir:

Minhojiddin MIRZO

Jamoatchilik kengashi:

Muhammad ALI

Suyima G'ANIYEVA

Fotih JALOLOV

Shuhrat SIROJIDDINOV

Akmal NUR

Baxtiyor SAYFULLAYEV

Adhambek ALIMBEKOV

Isajon SULTON

Nurboy JABBOROV

Abduvahob NURMATOV

Fatxulla MA'SUDOVI

Tahririyat:

Bosh muharrir o'rinbosari:

Temur A'ZAM

mas'ul kotib:

Komil JONTOYEV

fotomuxbir:

Mashrab NURINBOYEV

sahifalash va dizayn:

Nigina QODIROVA

navbatchi muharrir:

Shermurod SUBHON

E-mail: gulistonjurnali@inbox.uz

USHBU SONDA:

Nizomiddin MAHMUDOV
Komillikning betimsol omili

Erkin SAMANDAR
*Mening ko'nglimda raqs
etgan muhabbatsan...*

Jo'ra FOZIL
Savr yomg'irlari

Ahmadjon MELIBOYEV
*Ibrohim akaning sayroqi
qalami*

Revaz MISHVELADZE
Onajon, onajonginam!

Hamidulla BOLTABOYEV
*Alisher Navoiy dahosini
ulug'lab*

Sayyora USMONOVA
Mehr bersang, mis ham oltin

Nurbek G'AFUROV
Dilxiroj



Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli guvohnoma bilan 13.09.2016-yilda ro'yxatga olingan. Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi. Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin. «Guliston» jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart. Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.

Bichimi 60x841/8. Buyurtma № 13-10. Adadi: 1100 nusxa. Hajmi 6 bosma taboq. Bosmaxonaga 14.10.2016-yilda topshirildi. Bosishga 16.10.2016-yilda ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent — 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 42-uy. Tel.: 233-25-66, 233-27-94.

Jurnal «Impress media» mchj bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: Toshkent shahar, Kukyunguncha tor uyg'ur ko'chasi, 18-uy.

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли устоз ва мураббийлар!

Авваламбор, дунёдаги энг улуғ ва шарафли касб эгаси бўлган сиз, азизларни бугунги кутлуғ айём – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ушбу сана бундан 19 йил олдин Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан эл-юртимизнинг сизларга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромининг амалий ифодаси, умумхалқ байрами сифатида таъсис этилганини албатта ҳаммамиз яхши эслаймиз.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишни келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишнинг энг муҳим шарти деб билган, сизларга ўзининг энг яқин маслақдошлари сифатида катта ишонч ва ҳурмат билан қараган Юртбошимизнинг ўзлари ҳам барчамиз учун меҳрибон устоз, талабчан мураббий эдилар.

Ислом Абдуғаниевич Ватанимизни буюк муҳаббат билан севиш, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш, бу йўлда бор билим ва тажрибамиз, бутун борлигимизни сафарбар этиш борасида биз учун юксак ибрат мактабини яратиб кетдилар.

Жаҳон ҳамжамиятида «Ўзбек модели» деб тан олинган тараққиёт стратегиямизнинг ажралмас қисми бўлган замонавий таълим-тарбия тизимига асос солган, бу соҳани давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтариб, унинг ривожланиш йўллари аниқ белгилаб берган, «Бутун Ўзбекистон болалари – менинг азиз фарзандларим» деб уларни ҳаммиша эъозлаган Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ўлмас тарихий хизматларини бугунги ва келгуси авлодлар доимо чуқур миннатдорлик билан ёдга олади.

Улуғ устозимизнинг эзгу ғоя ва васиятлари асосида таълим ва тарбия соҳасидаги туб ислохотларни юксак босқичга кўтариш, мамлакатимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлод кадрларини вояга етказишга қаратилган ишларни изчил давом эттириш ҳаммамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас бурчимиз бўлиб, биз бу йўлда биринчи навбатда сиз, азизларга, сизларнинг билим ва малакангиз, тажриба ва маҳоратингизга таянамиз.

Азиз дўстлар!

Сизларнинг ёшларимиз қалби ва онгига она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини сингдириш, уларни турли таҳдидлардан асраш, комил инсон этиб вояга етказиш йўлидаги беқиёс хизматларингизни барча ота-оналар, жамоатчилигимиз, бутун халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айни пайтда бугунги кунда олдимизда янада муҳим ва долзарб вазифалар турганини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу борада илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, унинг нафақат давр билан ҳамоҳанг бўлишини, балки замондан олдинда юришини таъминлаш, педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг илғор усулларидан кенг фойдаланиш, бу ишларни хориждаги нуфузли марказлар билан ҳамкорликда олиб бориш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, ўқитувчи ва домларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини ҳар тарафлама рағбатлантириш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш, қисқа қилиб айтганда, ҳаётимизга катта куч бўлиб кираётган янги авлодимизни камол топтириш учун давлатимиз томонидан барча имкониятлар сафарбар этилади.

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Сиз, азизларни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака, ҳаётда ва меҳнат фаолиятингизда бахт ва омадлар ёр бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
вазифасини бажарувчи

ТАЪЛИМ ФИДОЙИЛАРИГА ЭЪТИРОМ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов улғайиб келаётган ёш авлод маънавиятини юксалтириш, йигит-қизларни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб вояга етказишда таълим фидойиларини ўзининг энг яқин ёрдамчиси, деб билар эди. Истиқлол йилларида янгича тафаккурга эга, соғлом ва баркамол ўғил-қизларни тарбиялашда педагогларнинг ўрни ва мавқеи ҳар қачонгидан кўра юксалди.

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилаётган турли маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, мулоқотлар, илмий анжуманлар, учрашувларда ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларга чуқур билим бериш, уларни она Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топтиришда муаллимларнинг меҳнатлари алоҳида эътироф этилиб, истиқболдаги вазибалар белгилаб олинмоқда.

30 сентябрь куни бир гуруҳ фахрий ва фаол ўқитувчилар, ёш муаллимлар хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар кўйди.

Шу куни Ўзбек Миллий академик драма театрида ушбу байрам муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ходимлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг педагоглари, спорт мураббийлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки кунларидан янгича билим ва тафаккурли, юксак маънавиятли авлодни тарбиялаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури жамиятимиздаги ижтимоий-маърифий ҳаётни тубдан ўзгартирди. Ушбу ҳужжатлар замонавий билим масканларини барпо этиш, ёшларни 12 йиллик бепул мажбурий таълим билан тўлақонли қамраб олиш, давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини замон руҳига мос тарзда ислоҳ этиш каби кенг қамровли ишларни тизимли амалга оширишда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Ўқитувчиларга кўрсатилаётган юксак эътибор таълим тизимининг барча бўғинларида яққол кўзга ташланмоқда. Ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар



умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг ойлик иш ҳақини бир неча баробар ошириш, уларнинг ўз устида ишлаши, изланиши, дарс жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиши учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилаётган лойиҳалар, турли маърифий-ижодий танловлар ёшларга билим беришга доир илғор тажрибалар, инновацион ғоя ва ташаббусларнинг тобора кенг қулоч ёйиши, оммалашиши, болаларнинг ўқишга иштиёқи кучайиши, ўзлаштиришда ижобий натижаларга эришишга хизмат қилмоқда.

Чет тиллари ўқитувчиларини қўшимча рағбатлантириш мақсадида «Йилнинг энг яхши инглиз тили ўқитувчиси» кўрик-танлови ўтказилиши яхши анъанага айланди.

Таълим соҳасидаги ислохотлар натижасида минглаб ёшларимиз спорт, фан олимпиадалари, халқаро ижодий танловлар, кўрик-фестивалларда муваффақият қозонмоқда.

Мамлакатимиз Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 29 сентябрдаги фармонида мувофиқ таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ходимлардан бир гуруҳи Ватанимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси – 2016» танловининг ғолиб ва совриндорлари тақдирланди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси М.Шарапова, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси, Болгария ва Кипрда ўтказилган талабаларнинг математика бўйича халқаро олимпиадаси олтин медаллари соҳиби Ҳ.Эгамбергенов таълим-тарбия олиш учун яратилган замонавий шароитлар, ўқитувчилар меҳнатини эъзозлаш борасидаги юксак эътибор учун давлатимизга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон халқ шоири С.Саййид устоз ва мураббийларни байрам билан қутлаб, уларга бағишланган янги шеърини ўқиб берди.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоасининг «Мирзо Улуғбек» спектакли намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, А.Арипов иштирок этди.

SAODAT *manzillari*

Устозлик – бу умрингни узиб-узиб шогирдлар камолотига бахш этиш, келажак олдида юксак масъулият билан яшаш дегани. Шогирд учун устоз – мукамал шахс, унда ҳамма саволга жавоб бор. Унинг ўғити умрга татигулик. Устоз учун эса шогирд фарзанд қадар азиз. Биз ушбу саҳифада устозлар меҳри ва ардоғи билан камолга етиб, бугун ўзлари ҳам устозлик даражасига кўтарилган, ҳалол ва самарали меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланган жамиятимизнинг бир қатор илғор кишиларининг фикрларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.



Марям ИХТИЁРОВА,
Ўзбекистон халқ
артисти,
«Меҳнат шўхрати»
ордени соҳиби:

– Мен бахтли аёлман. Қачон, қаерда бўлмайин, яхшиларга рўпара бўлдим, улардан ўзига яраша сабоқ олдим. Шовотдаги мактабда ўқиб юрганамда адабиёт фанидан Пошшоҳон Раҳимова исмли муаллим дарс бера бошлади. У аёлниң санъаткорларга хос ҳаракатлари, латофатга йўғрилган ички дунёси, сўзлаши, шеър ўқиши мени ўзига мафтун қилганди. Ўша йиллари Мукаррамаҳоним Турғунбоевнинг газетада чиққан расмларини дафтарларим орасида олиб юрардим. Пошшоҳон опамнинг ироқи дўппи кийиб икки ўрим сочини орқага ташлаб юришлари Мукаррама опани эслатарди. Хуллас, бу икки аёл эртақлардаги маликалардек мени ўзига маҳлиё этганди. Уйдаи, дугоналарим даврасидами, уларга тақлидан гапиришга, шеър ўқишга ҳаракат қилардим. Санъатга илк қизиқиш шундан бошланган.

1957 йилда Гавҳархоним Раҳимова бизнинг мактабга келиб қолди. Шунда мен у кишининг эътиборига тушиб, Тошкентга келдим. Бахтни қарангки, 9-синфни тугатган қиз филормонияда Комилжон Отаниёзовдек санъат дарғасига шогирд бўлдим. 1959 йилда институтга кирдим. Мусиқали драма курсида раҳбаримиз Раззоқ Ҳамроев экан. Хоразмдан Гулсара Ёкубова иккаламиз эдик. Устоз «Ҳей, хоразмлик гўзал қизлар, мусиқали драма нима эканини биласизларми, нима учун бу соҳани танладиларинг?» деб сўрадилар. Жойимдан туриб «Олтинкўлнинг созиман...» деган қўшиқни айтиб бердим. Раззоқ ака «Бугундан бошлаб институтда

ўқиш билан бир қаторда Муқимий театрида амалиёт ўтайсизлар», деди. Беш йил ўтиб, менинг ҳаётим театрга боғланганини ҳис қилдим. Театрда Лутфихоним Саримсоқова, Фароғат Раҳматова, Эътибор Жалилова, Сойиб Хўжаев, Маҳмуджон Гафуров, Ҳамза Умаров каби устозлардан зарра-зарра ўрганиб бордим. Айниқса, Лутфихоним ая мен учун ҳаётда ҳам, театрда ҳам ўрناق эди. Саҳна аянинг кириб келиши билан ёришиб кетарди. Шундай оддий, самимий аёл, менинг устозим эканидан фахрланардим. Ҳаётдаги ҳар бир устозимга нисбатан қалбимда шу ифтихор бор.

Ўйлаб қарасам, театрда йигирма беш йил фақат бош ролларни ижро этибман. Бу ҳам устозларнинг ишончи, таянчи сабаблидир. Тақдир мени кўплаб санъат дарғаларига шогирд қилди. Уларнинг сабоғи боис мен халқимизнинг севимли санъаткорига айландим. Ўзим ҳам театрга келган ёшларга ўрناق бўлишга, устозлардан ўрганганларимизни сингдиришга, саҳнага садоқатни шакллантиришга ҳаракат қилдим. Меҳри Бекжонова, Одина Нарзуллаева, Зулайҳо Бойхонова, Мақсуда Отажонова каби қизларим ҳозир ўзлари устоз даражасига чиқишди. Мен Лутфихоним Саримсоқовани ҳамма ая деб чақирса, ҳавас қилганман. Ҳозир мени ҳам театрда онахон, ая, устоз дейишларини эшитиб, кўнглим тўлиб кетади.

Мана, яқинда «Меҳнат шўхрати» орденига сазовор бўлдим. Мен ўзимни буюк элнинг иқболи кулган фарзанди деб ҳисоблайман.

Энахон СИДДИҚОВА,
Ўзбекистон халқ шоири:

– Донишмандлардан бири «Адабиёт катта йўлга қўйилган улкан ойнадир. Унда ҳар бир миллат ўзини кўриб туради» деган эди. Агар ўзбек адабиёти деб аталмиш сеҳрли сарчашмага боқсангиз,

халқимизнинг бадиий тафаккури, ўзбек тилининг беқиёс жавахиротларини кўрсатиб турадиган теран дарёси, гоят нафис адабиёти борлигига амин бўласиз.

Ватанимизнинг Биринчи Президенти, буюк Юртбошимизнинг ҳикматга айланган бир сўзи бор эди: «Ҳар бир бола қалбида истеъдод бор. Фақат уни оча билиш зарур». Менинг назаримда, истеъдод эшигини очадиган мўъжизакор калит адабиёт муаллимнинг қўлида. Агар устоз йилт этган истеъдодни пайқаб, уни юзага чиқара олса, бола келажакда ким бўлмасин, ўз ишига ижодий ёндашадиган, масъулиятни ҳис қиладиган бўлиб улғаяди. Мактабда адабиёт дарси, адабиёт тўғараги бўладиган кунлари кўзимга уйқу келмасди. Қайсидир бир кашфиётим, машқим билан устозимни қувонтиргим, қойил қолдиргим келарди. Ижод остонасида ёзган биринчи машқим учун устозим, ҳамма синфдошларим туриб, қарсақ чалганлари ҳали-ҳамон ёдимдан чиқмайди.

**– Жаннат эшигини очур қай тилсим,
Беҳишт ўлларини кўрсатур қай зот?!
– У муаллим, дейман кўзда ёш сизиб,
Қўлимни кўксимга қўйиб умрбод.**

Ҳа, муаллимгина кўнгилларни поклаш, эзгуликка вобаста қилиш орқали миллатни саодат манзили томон бошлайди. Муаллимлар ҳақида сўз кетганда, менга ҳаёт, илм сабоғини берган, Олтиариқ туманидаги 2-мактабда адабиёт фанидан дарс берган, бетаъма, хокисор, фидойи устозим Жамият Соҳибова кўз олдимга келади.

Кўп ўйлайман. Мен устозларим сабоғини, заҳматли меҳнатини оқлай олдими? Ҳозир ҳам, умримнинг ҳар лаҳзасида улар мени имтиҳон қилаётгандай туюлади. Ҳамон устозимнинг ширали, сокин овозини эшитгим, меҳрли нигоҳларини жонимда туйгим келади. Ўша оддийгина, қадрдон партада яна ўтиргим келади. Устозларимнинг қошига бола бўлиб учгим келади. Мен бундай бағрикенглик, камтарлик, камсуқумлик, миллат боласига бундай жонфидолик муаллимгагина хос, деб ўйлайман.


Устозимиз халқ оғзаки ижоди дурдоналари, ривоятлар, ҳикоятлар, халқона ибораларнинг шу қадар устаси эдики, бирор соат дарсимиз ҳайрату ҳаяжонсиз, баҳссиз ўтмасди. Кейинчалик у киши айтган айрим ҳикоя, ибораларни бирор манбадан тополмадим. Англадимки, бирор китобда битилмаган халқ оғзаки ижоди манбаларини устоз ўзи ижодкор бўлмаса-да, бизга баҳоли қудрат, таъсирчан усулда етказишга ҳаракат қилган. Кейинчалик у киши берган сабоқларни устозим, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон Олтиариқ тумани газетаси қошида очган «Ижодкор» тўғарагида давом эттирганман. Ҳали-ҳамон мен Анвар Обиджон адабий тўғарагидан чиққанман, дея фахрланиб юраман.



Бугун адабиётимизга ёшлар гуркираб кириб келишяпти. Уларнинг сўзга бўлган масъулиятидан истиқлол адабиётининг эртаси ишончли қўлларда эканидан гурурланаман.

**Бу кун шаънингизга шарафлар айтай,
Муаллим мақтовга муҳтожмас, зотан.
Энг тоза, мустажоб дуолар келгай
Юз мингта, миллента фаришта қалбдан.**

**Абдулла ШЕР,
«Меҳнат шухрати»
ордени соҳиби:**




– Устоз-шогирдлик аънаналари бизда азалий қадрият ҳисобланади. Тарихдан маълумки, ота-боболаримиз фарзандини устозга берар экан, «Эти сизники, суяги бизники» дейишган. Биз уни дунёга келтирдик, инсон сифатида шаклланиши сизнинг қўлингизда дегани бу. Шогирд устоз қўлида камолга етар экан, унинг оқ фотиҳасини олиб, ўзи мустақил иш бошлайди. «Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар» деган гап бежиз эмас. Бир тажрибали одамнинг маслаҳатисиз иш бошлаган одам умрининг кўп қисмини чала ишларга бағишлаб юборади. Устоз қўли остида эса, такомиллашиш, камолотга эришиш осонроқ бўлади.

Мактабда ўқиб юрган кезларим унча-бунча шеър ёзиб, устозларимга кўрсатиб юардим. Улар менга адабиёт дарсини, шеърнинг техникасини тушунтириш, баробарида, катта шоирлар маҳоратидан бахраманд бўлишим кераклигини айтишарди. 1960 йилда бир тўплам шеърларимни Ёзувчилар уюшмасига олиб борганман. Шунда устоз Миртемирга рўпара бўлдим. Менга энг катта устоз бўлган даргоҳ бу – «Гулистон» журнали. Мен тенги шоир ва ёзувчилар авлоди шу даргоҳда шаклланганмиз. Бу ерда Асқад Мухтор етовида кичик ходимдан масъул котибгача бўлган вазифаларда ишладим. Адабиётда Озод Шарафиддинов, Иззат Султон, Воҳид Зоҳидов, фалсафада Эркин Юсупов, таржимада Ғайбулла ас-Салом сингари устозларим олдида ҳамон шогирдлик қарзим бордай. Ўзимни устозлари кўп, бадавлат шогирд ҳисоблайман. Шунингдек, устоз оғаларим Эркин Воҳидов, Иброҳим Ғафуровлардан ҳам кўп нарсга ўргандим.

Шукрки, ҳозир ўзим ҳам сершогирд устозга айландим.

Бу йил адабиёт, фан, жамият учун қилган камтарин хизматларимиз давлатимизнинг юксак мукофотига муносиб кўрилди. Буни, энг аввало, устозларимнинг ютуғи деб биламан. Имконим борича, мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшишга, етук кадрлар тайёрлашга бундан кейин ҳам тинмай ҳаракат қиламан.

Давоми 17-бетда.



дамзод пайдо бўлибдики, югүрик замон ва тўгарак макон ичра минг бир машаққат билан такомилу тўқислик отлиғ олий ҳадаф сари интилади, бунга неча-неча минг йилликлар билан ўлчанувчи башарият тарихи гувоҳ. Бугун одам ҳам, олам

ҳам тараққиётнинг юксак поғоналарига қадам қўйиб, шиддат билан янада илгариламоқда. Аммо тўқисликнинг, такомилнинг чеку чегараси йўқ, у интиҳо билмас жараёндир. Шубҳасизки, бу тадрижий жараённинг битта қудратли ҳаракатлантирувчи кучи бор. Бу кучни улуг бобомиз, беназир мутафаккир Алишер Навоий шундай таърифлаган: «Ҳар ишки қилмиш одамизод, Тафаккур бирла билмиш одамизод». Албатта, тафаккурни воқелантирадиган, унга фақат шамойилгина эмас, балки аниқ ўзан бахш этадиган қудрат эса тилдир. «Миллий тафаккур», «миллий онг», «миллий маънавият», «миллий маданият», «миллий характер», «миллий менталитет» каби кўпдан-кўп урфга

тафаккур расолашган сари тил расолик касб этиб боради. Албатта, расолик – тадриж ва такомил натижаси ўлароқ юзага келади. Айтиш лозимки, инсоният камолотида, унинг тафаккури ва тахайюли парвозида тилнинг беқиёс омил эканлиги бугун эътироф этилган ҳақиқатлардандир.

Тилсиз халқ ва халқсиз тил тушунчалари моҳиятдан мутлақо маҳрумдир. Халқ, миллат тилнинг тилло бешигида балоғатга етади, тил эса ўз соҳиби бўлмиш халқнинг, миллатнинг қалбидан куч олади, унинг ардоғида тароват топади. Тил халқ борлиги ва бирлигининг, халқ эса тил барҳаётлигининг посбонидир.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» асаридаги қуйидаги сўзларида айна шу борадаги ҳақиқат ўзининг ёрқин тасдиғини топган: «...Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллат-

Милликнинг бетинсол омили

кирган истилоҳлар англатган тушунчаларнинг маъзу моҳиятида она тили ётганлигини англамасликнинг илоҳи йўқ. Тилсиз тафаккур ва тафаккурсиз тилнинг мавжуд бўлиши асло мумкин эмас.

Алоҳида таъкидламоқ жоизки, миллийлик, миллий ўзлик тушунчасининг маъзини тил ташкил қиладди. Тил миллий тафаккур тарзини тайин этади. Бу ўринда шундай бир бадиий қиёсга эҳтиёж сезиладди. Бундан эллик йиллар илгари ҳассос сўз санъаткори Эркин Воҳидовнинг «Гўзаллик» деган шундай мўъжаз бир шеъри эълон қилинган:

**Мулки борлиқ ичра бир маҳал
Кўркисизгина олам яралган.
Бермоқ учун дунёга сайқал
Олам аро одам яралган.**

**Шундан бери инсон тинмайин
Шу ер узра тер тўқар ҳамон.
Ерни гўзал қилгани сайин
Гўзал бўлар ўзи ҳам инсон.**

Чиндан ҳам, «кўркисизгина олам»га «сайқал бериб», «уни гўзал қилиши» баробарида «инсоннинг ўзи ҳам гўзал бўлиб бориши» беҳад теран ҳақиқат, одам оламини гўзал қиладди, айна пайтда гўзал олам оламини кўркамлаштиради. Тил ва тафаккур ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳам шу тарзда тасаввур қилиш мумкин, яъни тил расолашган сари тафаккур,

нинг руҳидир».

Улуг маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак – миллатнинг руҳини йўқотмақдур» деганида минг бора ҳақ эди.

Миллий руҳи тирик, ўзлик идроки теран, ҳамият сезгиси соғлом бўлган халқни бурнидан ип ўтказиб, етовга олиш, ҳар мақомга йўрғалатиш мутлақо мумкин бўлмаган юмушдир. Шунинг учун ҳам буни жуда яхши англаган истилочилар, энг аввало, ана шу муҳташам ва муҳтарам тушунчалар мувозанатини муаллақлаштириш пайдидан бўлганлар, ана шу хомтама билан улар, биринчи навбатда, бу халқнинг тилини издан чиқаришга жаҳд қилганлар. Ана шу тариха беназир бадиий қуввати, сеҳру синоати билан асрлар оша дунё сўз муҳибларини ҳайратга солган қадимий ўзбек тили қарийб бир ярим аср мобайнида истибдод исканжасида тутилди.

1989 йилнинг 21 октябрида қабул қилинган «Ўзбекистоннинг давлат тили ҳақида»ги Қонун халқимиз ҳаётида чинакам тарихий ва буюк воқеа бўлди. Тилимиз, демакки, дилимизга озодлик берган бу улуг ҳужжатнинг қабул қилиниши мустақиллигимизнинг шижоатли меъмори бўлмиш Ислом Каримов раҳнамолигида юрт истиқлоли сари қўйилган илк амалий қадамлардан бўлганлиги ҳам ҳақиқатдир.

Бугун, мана 27 йилдирки, ўзбек тили эркин тараққиёт ва такомиллашув йўлидан бормоқда. Бугун

Ўзбек тили мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос тимсолларидан бирига айланган. Бугун дунё Ўзбекистонни тилидан ҳам танийдиган бўлди, бугун ўзбек тилини ўрганмоқ истагидаги хорижлик дўстларимиз ҳам кўп...


Давлатимизнинг Биринчи раҳбари жиддий қониқиш билан айтганидай, «Истиқлол йилларида ўзбек тилининг қўлланиш доираси ниҳоятда кенгайгани, уни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, тилимизнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган илмий ва илмий-оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалари, янги-янги лугатлар кўплаб чоп этилаётгани жамият тафаккурини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда».

Ўзбек тили ва адабиётининг халқимиз маънавий камолотидаги, замонавий илм-фан тараққиётидаги, ёш авлод тарбиясидаги беқиёс ўрнини чуқур англаган ҳолда бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш учун бугун мамлакатимизда беҳад кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 13 майидаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этиш тўғрисида»ги Фармон ана шундай тадбирларнинг энг мухташамми бўлди. Бу Фармоннинг асосий мақсади «ҳозирги тез ўзгараётган глобаллашув даврида ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хос бетақдор хусусиятлари, тарихий тараққиёти, унинг бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини кучайтириш, таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг ҳамда ушбу соҳа бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш»дан иборат. Ана шундай улуғвор мақсад билан ташкил этилган университетда бугун ўзбек филологияси, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш ва ўзбек-инглиз таржима факультетлари, шунингдек, Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти, Ўзбек тили ва адабиёти музейи фаолият кўрсатмоқда. Бу оқилона тадбирлар ўзбек тилининг, ўзбек адабиётининг нафақат юртимизда, балки бутун дунёда янада эҳтиром қозонишига, нуфузи ортиб боришига хизмат қилиши табиий.

Ер юзидаги энг кўҳна муассасалардан бири, мутахассисларнинг қайд этишларича, мактаб бўлиб, у ҳам қадим Шарқ бағрида таваллуд ва камол топган. Эрамиздан олдинги учинчи мингйилликларнинг бошида, демакки, бундай беш минг йиллар бурун қадимги Шумерда мактаблар фаолият кўрсатган ва бу мактабларнинг таълим дастурларида икки асосий таянч мавжуд бўлиб, уларнинг бири математика, иккинчиси эса она тили ҳисобланган. Уларнинг бири қорин қайғуси эҳтиёжи учун, иккинчиси – тил таълими эса руҳ, яъни кадр қайғуси талабини қондиришга хизмат қилган. Албатта, бугун ҳам шундай, мактаб бўладими, олий мактаб бўладими, она тили таълимининг бош мақсади инсон руҳий, маънавий оламини саломат сақлашдан иборат.

Айтиш мумкинки, тил нуфузи – эл нуфузи, тил саломатлиги – дил саломатлиги, тил тириклиги – маънавий олам бутлиги. Тилдаги эркинлик ва комиллик халқ саодатининг шаҳодатидир. Шунинг учун ҳам мазкур Фармонда таъкидланганидек, «Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлаш, уни бойитиш, нуфузини оширишни ўзимиз учун энг устувор, узвий давом этадиган юксак мақсад деб билишимиз ва бу масаланинг аҳамияти ҳеч қачон эътиборимиздан четда қолмаслиги зарур».

Низомиддин МАҲМУДОВ,
филология фанлари доктори, профессор



Менинг кўнглимда рақс этган муҳаббатсан...



Эркин САМАНДАР

ИРОҚИ ДҲППИ

Бу чиройдан хайрондир ақлим,
Бу сеҳрдан дилим ҳангу манг.
Ҳар нақшида ўзга нур балқиб,
Ҳар қатида оқар ўзга ранг.

Кўзни ёқар қирмизи гули,
Худ илоҳий ранга бўялган.
Дўппи тиккан қиз боққа кириб,
Қизил рангни анордан олган.

Нақшларда неча оппоқ из,
Атрофига қорми сочилган?
Тоғ бағрига чиқиб чевар қиз,
Қор рангини игга кўчирган.

Яшил рангни олган майсадан,
Нусха берган ҳар битта шона.
Узоқлардан ярақлар экан,
Бу – лиммо-лим нурдан нишона.

Водийларни кезиб чевар қиз,
Танлаб рангнинг энг сарасини,
Сўнг дўппига чизибди холис –
Ўзбекистон манзарасини.

СОВҒА

Гулчеҳра совға айлаб, гуллола келтирибди,
Наҳотки гулни менга, қиз бола келтирибди.

Гулга тўлиб қучоғи, гулдай ёниб ёноғи,
Кўздан қочиб уёла-уёла келтирибди.

Гулларда келтирибди, ул қатра-қатра шабнам,
Гўёки бода лим-лим, пиёла келтирибди.

Баргларида ранг жимирлаб, оқар дилимга пайваст,
Шовуллаган ранго-ранг, шалола келтирибди.

Самандар эрди ташна, қайдан хабар топиб ёр,
Япроқ ичида меҳри, зилола келтирибди.

МУҲАББАТСАН

Менинг кўнглимда рақс этган муҳаббатсан,
Оловлардан қўшиқ битган муҳаббатсан.

Гаҳи қалби тўла армон, кўзи ёшли,
Гаҳи орзусига етган муҳаббатсан.

Хумор ёнган ҳазин диллар сенинг мулкинг,
Юракларда макон тутган муҳаббатсан.

Ўзинг кимни этурсан шоҳ, гадо кимни,
Барин ўт қаърига отган муҳаббатсан.

Ёруғ оқшом висол чоғи шакар тотган,
Айрилиқда заҳар ютган муҳаббатсан.

Ўсиб қоя мисол осмонга бўй чўзган,
Чўкиб ғам лойига ботган муҳаббатсан.

Келурда хўб саросар кулдириб келган,
Саросар йиғлатиб кетган муҳаббатсан.

Қуёшли жилва бирла кўзда жо бўлган,
Оқиб суякка ҳам ўтган муҳаббатсан.

Самандар кўнгли бир қошонага мангзар,
Сен унда зап рақс этган муҳаббатсан.

ОЛАМГА ОҚДИ ЁҒДУ

Оламга оқди ёғду – зеболаниб келибсиз,
Ўйнаб мисоли оҳу, ороланиб келибсиз.

Ипак каби мулойим юзларга бериб оро,
Кўзларга кўйиб жоду, ғавғо солиб келибсиз.

Ҳарир жамолингизни кўрганда кексаю ёш,
Мақтов ёйилди дув-дув, раъноланиб келибсиз.

Кўз тегмасин мабодо яхши-ёмон ичида,
Дилимга тушди кўрқув, жилоланиб келибсиз.

Ишонсангиз сўзимга, неча кеча кўзимга
Келмайди энди уйқу – зеболаниб келибсиз.

ЧОРВОҚДА

Шўх-шўх ўйнар эдим,
Сен билан қирғоқда мен.
Энди қўмсаб изларингни,
Ҳол-бахол юрмоқдаман.

Қайга кетди деб сўрар кўп,
Сув уриб қирғоққа бош.
Бир аниқ гап айта олмай,
Лол бўлиб турмоқдаман.

Мавжли уммонга чиқармиз,
Дер эдик ирмоқ билан.
Сувга айтгум энди дардим –
Юз ювиб ирмоқда ман.

Сен юрарсан катта йўлда,
Бахтиёр дўстлар билан.
Тунлари қирғоқда уйғоқ –
Кундузи Чорвоқда ман.

Сен дилимда ёнган ўтга
Қанча сув сепган билан,
Кўп авайлаб ўчган ўтни
Қайтадан ёқмоқда ман.

ЛАЗГИ

Дилимга лахча ўт солдинг,
На ўтки, чулғадинг олдинг,
Уни сен тор қилиб чалдинг,
Сеҳр, кўркинг ибо, «Лазги».

Наҳордек жилвагар, серноз,
Баҳордек дурмиши пардоз,
Вафодек нодиру мумтоз,
Амудек сержило, «Лазги».

Кўзимга лоласан бир дам,
Гўзал қиз боласан бир дам,
Боқиб ором олар жоним,
Уйимга келса меҳмоним,
Ўзинг серилтижо, «Лазги».

Юрарман мақтовинг сўйлаб,
Ўзингдек мавжланиб, қайнаб,
Яшаргайман яна ўйнаб,
Қариб бўлсам адо, «Лазги».

ШАББОДАГА

Ёр зулфи бўйларин ёйдинг майин,
Хизматинга жонни садқа айлайин.
Сийловингни созга солиб сўйлайин,
Ёрсиз, шаббода, завқинг найлайн?

Тўхтамай сен менга дилдордан гапир,
Ишқ аталмиш сирру асрордан гапир.
Кўнгли қаттиқ ул гўзал ёрдан гапир,
Ёрсиз, шаббода, завқинг найлайн?

Келса ёрим, бу кўнгил кошонадир,
Келмаса, кўнглим уйи ғамхонадир.
Кўйида дил қушлари парвонадир,
Ёрсиз, шаббода, завқинг найлайн?

АГАР СЕН ҲАМ

Кулар гулшан, кириб борсак агар сен ҳам, агар мен ҳам,
Ёниб, қўл ушлашиб турсак агар сен ҳам, агар мен ҳам.

Тушарди рақсга япроқлар, ғам-андухдан бўлиб фориғ,
Суханвор соз чалиб берсак агар сен ҳам, агар мен ҳам.


Мунаввар бўлғай эрди чулғаниб нурларга ишқ боғи,
Муҳаббат уруғин эксак агар сен ҳам, агар мен ҳам.

Қоларми дилда армонлар, тун оғзидан, гул оғзидан
Эшитсак боғ аро эртак агар сен ҳам, агар мен ҳам.

Ики дил ишқи оғози етарди ою юлдузга,
Учирсак бахт қушин юксак агар сен ҳам, агар мен ҳам.

Кўнарди гулга юлдузлар висол чоғи севинчлардан,
Томизсак кўз ёшин чак-чак агар сен ҳам, агар мен ҳам.

Самандар сўзин ол, юргил, шикаста бўлғуси гуллар,
Чиқиб боғдан бадар кетсак агар сен ҳам, агар мен ҳам.



IJRO MAHORATI



*Миллий чолғулар ижрочили-
ги муסיқа санъатимиз тарихи-
да алоҳида ўрин тутади. У барча
даврларда ижодкор учун илҳом
манбаи бўлиб хизмат қилган, янги
уфқлар сари чорлаган. Айниқса,
созандаларнинг доимий ҳамроҳи,
шу билан бирга, уларнинг фикру
хаёлини, тасаввурини ўзининг сир-
синоатлари билан банд қилиб кел-
ган. Бир сўз билан айтганда, мил-
лий чолғулар муסיқа санъатининг
кўрки ва тароватидир.*

Муסיқа санъати шу қадар мафтункор ва жозибадорки, қанча кашф этганинг сари у шунчалик янги-ланиб, юксалиб, энг баланд чўққи мисол доимо ўзига чорлайверади.

Энг улуғ, энг азиз неъмат – мустақиллик шарофати билан санъатшунос олимларимиз муסיқа дунёсининг янги-янги қирраларини ўрганиш бахтига муяссар бўлишмоқда. Бунинг натижасида сизу биз соҳа ривожига хизмат қиладиган кўплаб асарларни, илмий мақола ва рисоаларни ўқиб, бу борадаги билим ва кўникмаларимизни янада ошириш имконига эга бўлмоқдамиз.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида ёзилганидек, «Инсоннинг руҳий камолоти ҳақида гапирар эканмиз, албатта, бу мақсадга муסיқа санъатисиз эришиб бўлмайди. Халқимиз ҳаётида муסיқа азалдан бекиёс ўрин тутиб келади... Муסיқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади».

Муסיқа товушлар оламининг ўзига хос, гўзал ва бетакрор йиғиндисиدير. Шу билан бир қаторда у турли оҳангларнинг ўзаро уйғунлиги, бир-бирига мувофиқлигидир. Муסיқа олами ўзига хос қонуниятлардан иборат бўлиб, гармония, полифония, парда, усул, шакл тузилиши каби хусусиятларни ўз ичига олади. Ушбу хусусиятлар қанча чуқур ўрганилса, со-занда ўзини шунчалик эркин ҳис қилади, ижод оламига янада чуқурроқ кириб боради.

Муסיқа тарихидан аёнки, чолғу асбоблари асрлар давомида тараққий топиб, ўз навбатида, мумтоз шаклини ҳам безавол сақлаб келмоқда. Хусусан, скрипка, орган, гобой ёки фортепиано каби Европа чолғулари қаторида миллий чолғуларимиз ҳам тараққиёт йўлини босиб ўтиб, бугунги кунда ҳам санъат шайдоларини ўзининг сеҳри билан мафтун этиб келмоқда. Масалан, миллий чолғу асбобларимиз туркумига кирувчи танбур, дутор, чанг ёки қонун айнаи шундай кучга эга, десак, ҳеч қандай муболаға

бўлмайди.

Ҳар қандай чолғуни ижро этиш кишидан маҳорат талаб қилади. Шунингдек, у мунтазам равишда янги-ланиб турадиган жараён ҳисобланади. Шулардан келиб чиқиб, ижрочилик ҳам яратувчанликни тақозо қилади. Бу ўринда маҳорат устоздан шогирдга мерос бўлиб қолмаслигини, аксинча, созандани қай бир устоз тарбия қилмасин, аввало, унинг ўзи меҳнаткаш созанда сифатида маҳоратини оширма-гунича ҳеч қандай натижага эриша олмаслигини ҳам таъкидлаш лозим.

Машҳур пианиночи Антон Рубинштейн: «Бир кун пианино чалмасам, оила аъзоларим сезади, икки кун машқ қилмасам, мухлислар ҳам пайқайди» деганида, айнан шу ҳақиқатни назарда тутган эди. Бинобарин, ижро – муסיқанинг таркибий қисмиدير.

Саҳнада ижро этиладиган асар машғулотлар давомида ишланган бўлиши, пишиқ, пухта кўринишга келтирилиши лозим.

Моҳир рус пианиночиси ва бастакори Сергей Рахманинов концертдан бир соат олдин манзарадан, табиатдан озуқа олиб, тўғри концерт залига келар экан. Ҳар бир инсонда тажриба ошгани сари саҳнага чиқиш маҳорати ҳам ортиб бораверади. Концертга ташриф буюрган тингловчиларни ўзига жалб этиш катта маҳорат ва юқори даражадаги ижрони талаб қилади.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Шарқ ва Ғарб муסיқасида ижрочилик тушунчаси қадимдан мавжуд бўлган. Масалан, Шарқ муסיқа илмининг асосчиларидан бири Абу Наср Форобий (870-950) асарларида муסיқа иборасини ишлатилган. Унга кўра, ижрочилик муסיқанинг кўринишларидан бири ҳисобланган. Муסיқанинг икки асосий шаклидан бирига – «сийға», яъни ички шакл, маъно-мазмун ва «адо», яъни ижро – унинг юзага чиқиши, ташқи шакли ва сурати деб қаралган.

Фикримизча, бу борада ижрочилик мактабининг муסיқий меросимизда тутган ўрнига ҳам эътибор



бериш фойдадан холи бўлмайди. Назарий жиҳатдан оладиган бўлсак, бугунги кунда чолғу ижрочилигининг уч тури – якканавозлик, жўрнавозлик ва оркестр ижрочилиги вақт ўтгани сайин тараққий этиб, юртимиздаги маданият ва санъатга оид олий ҳамда ўрта махсус таълим муассасаларида чуқур ўрганилмоқда.

Якканавозлик, жўрнавозлик ва оркестр ижрочилиги иборалари – устувор тушунчалар ҳисобланиб, фанда бундай атамалар тоифа деб аталади. Яъни, улар ҳар бир соҳанинг негизини, устувор қонуниятларини назарда тутати.

Якка ижрочиликнинг ўзига хос тартиб-қоидалари мавжуд. Худди шунингдек, ансамбл ҳамда оркестр ижрочилиги ҳам умумий қонун-қоидаларга асосланади.

Шу билан бирга, ҳар бир чолғунинг асрлар давомида қарор топган расм-русумлари мавжуд бўлиб, уларни эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Ана шундай қонуниятлар уйғунлашганда, ҳар қандай чолғу моҳир санъаткор қўлида баралла янграйди.

Устоз санъаткор Турғун Алиматов чет эл саҳналарида ўтган концертларда миллий чолғу асбоблари бўлмиш дутор, танбур, сатоларни юксак маҳорат билан ижро этиб, таниқли санъат усталари ва мухлисларини беҳад ҳайратга солган.

Хўш, бунинг сабаби устоз созанданинг билими ва маҳорати юқори бўлганида эмасми?! Миллий чолғуларимизга бўлган ғоят кучли меҳр ва садоқатнинг ёки машаққатли меҳнатнинг самараси эмасмиди бу?!

Турғун Алиматовнинг созандалик мактабини ташкил этишда улкан ҳиссаси борлиги барчага аён. Созанданинг бутун ижодий фаолияти биз юқорида тилга олган қонуниятлар билан чамбарчас боғлиқ бўлганига ишонч ҳосил қиламиз. Алқисса, устоз санъаткоримиз ёшлигидан билимга ташна бўлган ҳолда, ўз устида тинимсиз ишлашни қанда қилмаган. Бу эса ижрочилик мактабига хос умумий қонуниятларнинг амалдаги кўринишидир.

Бундан хулоса шуки, профессионал ижро кишидан тинимсиз меҳнат талаб қилади. Бунинг эвазига ижрочининг маҳорати тобора ошади. Табиийки, тажрибаси ортиб, саҳна ва ижро маҳорати бойиб боради. Қарабсизки, тингловчининг меҳр-муҳаббатини аввалгидан ҳам кучлироқ қозонади.

Бироқ тажрибада шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, санъат соҳасига эндигина кириб келаётган айрим ёш созандалар илгари ижро этилган куйларни алоҳида тайёргарликсиз, қисқа фурсатда ўзлаштириб олишга уринади. Бу эса бастакор яратган асардаги бадиийлик ва таъсирчанликнинг бузилишига сабаб бўлади. Шу боис, ижрочи асарни такрорлаш билангина чекланмай, тинимсиз меҳнат ва шижоат билан ўзининг профессионал маҳоратини юксалти-

риш ҳақида жиддий ўйлаши лозим.

Яна «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарига мурожаат қиламиз: «Айрим ёш ижрочи ва ижодий гуруҳларнинг жамоатчилик эътиборига тақдим этилган «асар»лари санъатнинг ҳеч қандай талаб ва мезонларига жавоб бермайди. Нафақат мавзу ва мусиқа, ижро усуллари, балки саҳна ҳаракатларида ҳам очиқдан-очиқ ажнабий «оммавий маданият» кўринишларига тақлид қилиш, «юлдузлик» касалига чалиниш ҳолатлари тез-тез учраб тураётгани чинакам санъат мухлисларини ранжитмасдан қолмайди, албатта».

Асарда яна шундай таъкидланади: «Маданий жамоатчилигимиз, авваламбор, мусиқашунос олимлар, устоз санъаткорлар, композиторлар, ёзувчи ва журналистлар, кўп сонли санъат ихлосмандлари бундай масалалар юзасидан ўз фикрини очиқ билдириб бориши, шу тариқа ёшларимизга тўғри тарбия беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз...».


Дарҳақиқат, баъзи устозлар бўлажак созанданинг қобилиятига тўғри баҳо бермай, ундан дарҳол юқори натижаларни талаб қилади. Бу нотўғри, албатта. Чунки рубобга йўналтирилган ўқувчи доира чалиш борасида иқтидорлироқ бўлиши мумкин-ку. Бундай пайтда устоз ўз шогирдига тўғри тавсия бериши зарур.

Мусиқашунос олимларимиз дарс ўтишининг замонавий методологиясидан фойдаланишга оид тегишли тавсияларни ишлаб чиқишгани барчага маълум. Унга кўра, ансамбл ижросидаги чиқишларда юқоридаги кўрсатмаларга, яъни бир неча созандалар учун яратилган асарларга ёндашувга, улар ижросидаги куйларнинг товуш бирлигига, унисон ёки икки овозли товушлар орқали ижро этиш маҳоратига алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Товуш ва оҳангларни жамлашга, товушларнинг интонацион жиҳатдан тозаллигига ҳам аҳамият бериш зарур.

Оркестр – кўп овозли жамоа. Барчамизга маълумки, мамлакатимизда ҳозирги кунда оркестрларнинг қатор турлари фаолият олиб бормоқда. Мисол учун, миллий чолғулар оркестри азалдан академик йўналишда ижод қилиб, халқ куйларини, классик асарларни ижро этиб келмоқда.

Ҳозирги кунда ижодий тажрибага эга бўлмаган ёш ижрочиларга эътиборни кучайтириш билан бир қаторда, кўп йиллардан буён меҳнат қилиб, мамлакатимизда ўтказиб келинаётган барча тадбирлар ва концертларда фаол қатнашаётган тажрибали мутахассислар ҳамда созандаларни қўллаб-қувватлаш ҳам асосий вазифаларимиздан бири бўлиши зарур, албатта.

Абдуваҳоб САХИЕВ,
Ўзбекистон давлат консерваторияси
доценти



«Баҳор ағуҷоти...»

**Баҳор айёми дағи йигитликнинг авонидур,
Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.**

**Гаҳи саҳро узори лола шаклидин эрур гулгун,
Гаҳи саҳни чаман гул чехрасидин арғувонидур.**

**Бино саҳни чаман бўлди мунаққаш ранги гуллардин,
Магарким, сунъ Наққошиға ранг имтиҳонидур.**

**Юзунг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулзори,
Қадинг, эй гул, ҳаётим боғининг сарви равонидур.**

**Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибингға тараҳҳум айлагилки, анда жонидур.**

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазалиётида инсон ва унинг қалби, табиат ва унинг гўзаллиги Улуғ Яратувчи қудратининг бир мўъжизаси сифатида умумий бир бутунликда тасвирланади. Баҳор айёми (чоғлари) йигитлик – ёшликнинг авони (гўзал онлари, навжувонлиги)дир. Айни мана шу кўклам кўркамлиги замонида соқийга мурожаат этиб, ундан майи ноб сўраш ва унинг завқи (ишрати)га берилиш айб саналмайди. Чунки табиатнинг гўзаллиги, йигитликнинг навжувонлиги, қалбнинг сурурбахшлиги ва шароби ноб – ўзаро уйғун тушунчалардирки, уларни замон ва макон жиҳатдан ажратиб бўлмайди.

Баҳор айёми дағи йигитликнинг авонидур

Шу буюк бутунликни тўлдирувчи, унга завқ қўшувчи соқий (устоз, пир)га мурожаат қилиб, шароби ноб (шаробларнинг кучлисини) сўраши ҳам инсон қалбининг май – муҳаббатга илҳақлигини кўрсатади:

Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.

Шоирнинг мақсади биз тушунган маънодаги «ишрат» эмас, балки табиат гўзаллигини инсон кечинмалари билан боғлаб англаш, шундай гўзал табиатни яратган, унга йигитлик камолини бахш этган Соҳиб қудратнинг мўъжизасини ожиз банда фақат устози муршид (соқий) воситасидагина англайди. Шунинг учун ҳам устоз – соқийдан шароби ноб сўраш – улуғ ва кучли муҳаббат илми билан қалбини тўлдириш экани тушунилади.

Табиат гўзаллигидан сўз очган ғазал муаллифи унинг тасвирида чарчамайди:

**Гаҳи саҳро узори лола шаклидин эрур гулгун,
Гаҳи саҳни чаман гул чехрасидин арғувонидур.**

Лола кўпроқ боғда, чаманда эмас, тоғу саҳрода ўсади. Унинг ўсимлик сифатида ривожда ҳам инсон меҳнатидан кўра кўпроқ табиатнинг илоҳий қудрати устувор. Сахро – сариқ тусда эмас, у лолалар шаклидан (рангидангина эмас, балки унга уйғун гўзал шакллардан) унинг узори (юзи) мушаккал гулгун (қизғиш) ҳолга келган. Чаман саҳни ҳам гул чехраси (гўзаллиги, алвон ранги) туфайли қизғиш кўринишига сабаб, биргина қизил гуллар эмас, балки арғувон (бахорда пушти-қизил рангда гуллайдиган дарахт) гуллари чаман саҳнига тўкилиб, унга қизғиш ранг бағишлаб турибди. Бу икки байтда ўзаро таносуб келган шароби ноб (қизил), лола ранги, сахро юзининг қизғиш тусга кириши, гул чехраси (қизил юзи), арғувон гулларида қизарган чаман саҳни бир-бирига уйғун ҳолда ранглар симфониясини ташкил этади. Бу рангларнинг ғазал мазмунидаги мантиқий ривож ҳам худди табиат уйғонишию баҳорга етиши – йигитлик камоли сингари тараққийда кечади.

Баҳор қиш билан ёз мавсуми ўртасидаги фаслгина эмас, тасаввуфда илм мақоми; илм эса тасаввуфий талқинда пардадир. Илмнинг эгалланиши соқий (устоз) иштирокисиз кечмайди. Баҳор парданинг очилиши экан, бу жараёнда солиқ ўзининг важд ҳолатида соқий – устозга мурожаат қилиши табиий. Зеро, унинг иштирокисиз, шароби нобга, яъни кучли илоҳий муҳаббатга эришиб бўлмайди. Баҳор қалб ва руҳнинг ўртаси – мўътадил ҳоли бўлиб қудрат баҳори, навжувонлик шаклларида важд ҳол мақомини англаувчи ибора сифатида қўлланилади (Низомиддин Қандаҳорий). Йигитлик авони эса, нақшбандийликда жувонмардлик белгисидир. Шундай экан, комиллик (илм) йўлига кирган солиқ илк мавсум – баҳор айёмида шароби ноб воситасида ишрат мавсумига интилиши фалсафий жиҳатдан ғазал мазмунидаги табиат тасвирига мос келади. Қолаверса, тасаввуфда Гулгунлик ва гул рамзий тимсоллар бўлиб, қизил ранг орқали кашф ва илҳом билан илм ҳосил қилинадиган, маънавий ва ички тажриба нафс истакларига қарши туриш ҳолати ифодаланади (Нажмиддин Кубро).

**Био саҳни чаман бўлди мунаққаш ранги
гуллардин,
Магарким, сунъ Наққошига ранг имтиҳонидур.**

Баҳор айёмида бино (бунёд бўлган маскан, маъво) саҳни рангин нақш этилган (барпо бўлган) гуллар туфайли чаман бўлди, бу Улуғ Яратувчи (Наққош) сунъ (яратилиш, яралмиш) пайтида рангларни имтиҳон қилгани натижасидирки, бу гўзаллик, яратилган арғувоний – гул ва гулгунлик туфайлидир. Айни шу байт юқорида тасаввуфий маъно ташиган баҳор (илм йўли), йигитлик (жуванмардлик), соқий (пир, муршид), шароби ноб (илоҳий муҳаббат), гулгун (кашф этиш), гул (илҳом) каби калималар билан боғланиб, бино – борлик (ҳам сахро, ҳам боғ) ча-

манга айланишига сабаб бўлди. Бу ўз-ўзидан эмас, балки Яратувчининг рангларни имтиҳон қилиб (танлаб), бизга берган бир мўъжизасидир (профессор Абдулла Аъзам «Ранг имтиҳонидур» иборасини сарлавҳага чиқаргани бежиз эмас).

**Юзунг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза
гулзори,
Қадинг, эй гул, ҳаётим боғининг сарви
равонидур.**

Эй, сарв (тик) қоматли сенинг юзинг менинг жоним гулшанининг тоза гулзоридир. Қадинг эса, эй гул, ҳаётим боғининг нишонасидир. Бу ўринда сарви равон – сарв қоматли ёрнинг хиром билан юриши каби шоир ҳаёт дарахтининг ўсиши, тараққий этиши ўша Гул (илоҳий гўзаллик)га боғлиқдир. Шоирнинг жон гулшани ўша сарвқоматнинг юзи каби тиниқ, покиза бўлгани каби унинг қади (ўсаётган гўзал ниҳол) ҳам лирик қахрамон ҳаёт боғининг яшнашига туртки беради.

**Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони
Бобурнинг,
Ғарибингга тараҳҳум айлагилки, анда жонидур.**

Гул қаерда бўлса, Бобурнинг жони ўша ерда, чунки Гул (маънавий гўзаллик тимсоли, Улуғ қалб) қаерда бўлса, шоир жони ҳам ўша ерда. Ғарибингга, яъни шоирга раҳм қилғил, чунки унинг жони, ҳаёти Сенинг қўлингдир.

Ғазалда бош тимсол тараҳҳум айлагувчи Гул (мажозий маънода у ёр, маъшуқа бўлиб келадими, тасаввуфий маънода Яратувчи деб тушуниладими), шоир (ғариб)нинг Унга Баҳор айёмида Йигитлик авонидаги мурожаати асарнинг яхлит маъносини беради. Анда жонидур бирикмасининг «менинг жоним ўша ердадир», «андижоний – андижонлик» ва «жони гаровга қўйилган» (М.Қошғарий) ва бошқа маънолари Бобуршоҳ каби даҳо шоирнинг маънолар кўламини шу икки сўзга боғлаш маҳоратидан дарак берадики, уни матндан ўзгача ўқиш ёки талаффуз этиш, ғазалдан кўзланган маънолар қамровини чеклаб қўяди. Бу ўринда устоз Азиз Қаюмовнинг «Чунки аслда «анда» деб ёзилган. Яна шеър мазмуни ёр қаерда бўлса, Бобурнинг жони ҳам ўша ерда, яъни «анда жонидур» деган маънони билдируви очиқ кўриниб турибди» каби изоҳига таяниш мумкин. Гулга бўлган муҳаббатнинг ўрни қалбда бўлгани каби Бобурнинг жони ҳам ўзини бахшида қилаётган ўшал манзилда, яъни инсоннинг ҳаёт дарахти гуллаб-яшнаши ёки қуриб тугаши улуғ Аллоҳнинг иродасига боғлиқ. Баҳор айёмида йигитлик авонида бунини билишлик, Унинг бемисл муҳаббати сари йўл топишлик ҳар бир бандага (инсонга) насиб қилсин.

Ҳамид УБАЙДУЛЛОҲ

«ОНА О'ЗБЕКИСТОНИМИЗ КАБИ НАМ КЕЛАЖАГИ БУЙУКДИР»

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган XXXI ёзги олимпиада ўйинлари юртдошларимиз қалбида узоқ йиллар сақланиб қолишига шубҳа йўқ. Боиси, мамлакатимиз спортчилари юксак ирода ва матонат намунасини кўрсатган ҳолда тўртта олтин, икки кумуш ва етти бронза медалини қўлга киритдилар. Бу эса умумжамоа ҳисобида йигирма биринчи, Осиё қитъасида тўрттинчи, МДҲ давлатлари орасида иккинчи ва Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи ўринни эгаллашимизни таъминлади.



Rio2016


FARZANDLARIMIZNING

Булар мустақиллик фарзандлари, менинг набираларимдир. Биз эккан истиқлол ниҳоллари бугун азим дарахтга айланди. Улар кўзни қувонтириб, мана шундай ажойиб ҳосил бера бошлади. Буларнинг толеи, бахту иқболи ҳали олдинда. Она Ўзбекистонимиз каби фарзандларимизнинг ҳам келажаги буюқдир.

Ислом КАРИМОВ




**Ҳасанбой
ДЎСМАТОВ,
олимпиада ўйинлари
ғолиби:**

– Аксарият ҳамкасбларимиз болалик пайтида машҳур бўлган спортчиларга ҳавас қилиб, бу йўлни танлайдилар. 2000 йилда Муҳаммадқодир Абдуллаев Сидней олимпиадаси ғолиби бўлганди. Ўша пайтда мен ҳам олимпия ўйинлари ғолиби бўламан, деб дилимга тугиб қўйгандим.

Олимпиада ўйинларига йўлланмани қўлга киритиш осон эмас. Бу спортчидан катта куч талаб қилади. Чунки тўрт йилликнинг нуфузли мусобақаси йўланмасини ҳеч ким шунчаки бериб қўймайди. Йўлланма қўлга киритилганидан кейин эса олимпиада чемпиони бўлиш ҳақида ўйлай бошлайсан.

Мен Бразилияга кетишдан олдин, албатта, чемпион бўлиб қайтаман, дегандим. Энг кўп хурсанд қилган жиҳат шундаки, биз ўзбек спортчилари ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни амалда исботладик. Ватанимиз байроғини олимпия ўйинларида баланд кўтарганимдан бахтиёрман. Бу бутун Ўзбекистоннинг ғалабасидир. Мен озод ва обод юрtda туғилиб вояга етганимдан ва халқаро мусобақаларда Ўзбекистон номидан майдонга чиқаётганлигимдан доимо фахрланаман.



**Руслан
НУРИДДИНОВ,
олимпиада
ўйинлари ғолиби:**

– Мен истиқлол тенгдошиман. Беш ёшимдан оғир атлетикага қизиқиш пайдо бўлди. Мураббийларнинг қаршилигига қарамай, шуғулланишда давом этдим. Юртимизда спортга берилаётган юксак эътибор туфайли бугунги даражага етиб келдим.

2012 йилги Лондон олимпиадасида 4-ўринни олганим роса алам қилганди. Агар охириги уринишда тошни кўтара олганимда, кумуш медаль эгасига айланардим. Ўшанда келаси олимпиадада, албатта, ғолиб бўламан, деб ният қилгандим.

Бразилияда ўтган олимпиада биз учун катта тажриба бўлди. Дунёнинг энг кучли спортчилари йиғилган мусобақада ғолиб бўлиш, рекорд ўрнатиш ҳар қандай кишини жаҳоннинг энг бахтли одамига айлантиради.

Ватанимизда бизни жуда катта эҳтиром билан кутиб олишди. Бунинг учун юртдошларимизга раҳмат. Бизга билдирилаётган юксак ишончни оқлаш учун бор кучимиз билан ҳаракат қиламиз. 2020 йилда Токиода ўтказиладиган навбатдаги олимпиада ўйинларида ҳам олтин медаль олиш мақсади йўлида ҳаракат бошладик.



**Шаҳобиддин
ЗОИРОВ,
олимпиада
ўйинлари ғолиби:**

– XXXI ёзги олимпиада ўйинлари ўзбекистонлик спортчилар учун му-

ваффақиятли кечди. Бу йил ўн уч медаль қўлга киритилди ва мамлакатимиз спорти тарихида янги саҳифа очилди. Мазкур жараёнда қатнашганимдан, Ватанимга олтин медаль билан қайтганимдан хурсандман. Менга ишонган инсонлар олдида юзим ёруғ бўлди.

Ярим финал ва финал жанглари мен учун энгил бўлгани йўқ. Рақибларим ҳам ўзига яраша кучли эди. Айниқса финалдаги рақибим Миша Алоян икки қарра жаҳон чемпиони, Лондон олимпиадаси совриндори эди. Лекин мен улاردан заррача қўрққаним йўқ. Чунки мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримов ҳар бир чиқишида «Фарзандларим, доимо маррани баланд олинглар, ҳеч қачон, ҳеч кимга бўш келманглар!» деб таъкидлар эди. Мен бу гапларни ўзимга шиор қилиб олганман.

Финал жангги тугаши билан онамга кўнғироқ қилдим. У киши ҳаяжон кучлилигидан гапиролмади. Онам, Онамдай мунис Она Ватанимнинг ишончини оқлаб, хурсанд қила олганимдан фахрланаман.

**Фазлиддин
ҒОЙИБНАЗАРОВ,
олимпиада
ўйинлари ғолиби:**



– Рио-де-Жанейро олимпиадаси бир умр хотирамдан ўчмайди-ган мусобақа бўлди.

Олимпиада ўйинлари бошланганидан кейин қизим дунёга келди. Мусобақанинг сўнги кунида эса олтин медални қўлга киритдим.

Мен ярим финалда россиялик Виталий Дунайцев, финалда озарбайжонлик Лоренсо Сотемайорга қарши рингга чиқдим. Бу икки боксчи билан ҳам алоҳида ҳисоб-китобим бор эди. Дунайцевга ўтган йилги жаҳон чемпионати финалида ютқазиб қўйгандим. Сотемайор билан эса Болгарияда ўтган турнирда тўқнаш келгандик, ўшанда рақибимнинг қўли баланд келганди. Шу сабабли бор куч ва имкониятимни ишга солиб олдинги мағлубиятлар тасодиф эканлигини исботлашга ҳаракат қилдим. Шукр, мақсадим амалга ошиб, олимпиада чемпиони бўлдим.

Бизнинг камтарона хизматимизни юксак баҳолаган давлатимизга раҳмат. Биз ҳамиша Ватандошларимизнинг юксак ишончини оқлашга бор кучимиз билан ҳаракат қиламиз. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам!» деган сўзлари бир умр бизга куч ва қувват бағишлаб дилимизда сақланиб қолади.

**Темур АЪЗАМ
ёзиб олди**



SAODAT *manzillari*

**Зайниддин ФАХРИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
санъат ароби:**



– «Дунёда бўлмаса муаллим агар, ҳаёт ҳам бўлмасди бу қадар гўзал!» Менинг ҳаётда ҳам, ўз соҳамда ҳам устозларим кўп бўлган. Устоз деб бир кишининг этагини тутдингизми, унинг ҳар бир хатти-ҳаракати ҳайратланарли туюлади.

Бирор ишни бажармоқчи бўлсангиз ҳам, устозингиз назари билан қараб, унга шу томондан ёндашасиз. Раҳим Аҳмедов, Абдулҳақ Абдуллаев каби кўп-лаб устозларим бўлган. Уларнинг ҳар бири мен учун катта бир мактаб эди. Дарсларни жон қулоғим билан тинглардим. Тасвирий санъат мен учун ўзга бир дунё, ўша дунёнинг калити эса мана шу устозлар кўлида бўлиб туюларди.

Рассомчиликда, албатта, академик мактабни ўташ керак. Бу йўлда устозлар сабоғи жуда аҳамиятли. Институтда устозингизни тинглайсиз, ўрганасиз, бу менинг ҳам кўлимдан келади деб ўйлайсиз. Мўйқаламни қўлга олгач, ҳаяжон, ҳадик, иккиланиш бошланади. Шу жараёнда устоз олдингизда бўлса, ишингиз осонлашади.

Айни пайтда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтида талабаларга сабоқ бераман. Республикаимиз бўйлаб юздан ортиқ шогирдларим бор. Дастлабки шогирдларимнинг ўзлари ҳозир устоз.

Ўзбекистон Республикаси санъат ароби деган фахрли унвонга сазовор бўлиш, мен учун улкан шарафдир. Умримнинг борича, қодир қилганича шу юрт истиқболи учун хизмат қиламан.

**Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийи:**

– Мен устоздан ёлчиган инсонман. Отам мадраса кўрган, ўз даврининг зиёлиларидан бири эди. Уйимизда доим Саъдийнинг «Гулистон»и, Навоий ўғитлари, «Қобуснома», «Калила ва Димна» ўқилар, бу асарларнинг сеҳри ҳамон мени тарк этган эмас. Мумтоз адабиёт шундай хазинаки, ундан олганинг сари кўпаяди. Тилсимларини очганинг сари жилвалари орта боради. Отам Фафур Ғулум билан жуда яқин эди. Ё бизникида ё Фафур аканикида бедилхонлик, машрабхонликлар бўлар, мен уларга чой ташиб, бу суҳбатларни жон қулоғим билан тинглар эдим. Бу давраларга кимлар келмас эди. Янги асарларнинг илк муҳокамалари шу йиғинларда бўларди. Ҳозир ўйласам, инсон камолотида болалиқда олган илм Оллоҳ

берган истеъдод билан бирдай аҳамиятли экан.

Яна бир бахтим шуки, мен иккита улуғ даргоҳнинг муҳитидан баҳраманд бўлиб улғайдим. Тошкентда Ўзбекистон Миллий университетида Ғулум Каримов, Субутой Долимов, Озод Шарафиддинов, Ғайбулла ас-Салом, Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов сингари ҳар бири бир уммонга тенг устозлар қанотида бўлдим. 27 ёшимда фан номзои даражасини олдим.


Бу устозларимнинг заҳмати, шогирд камоли йўлида қилган меҳнатлари туфайли эди. Толеи кулган инсон эканман. Биринчи рефератимни ўша йиллари «Гулистон» журналида ишлаган Ваҳоб Рўзиматов кўриб берган. Устозларим шогирд билан чегара ушлашга уринмаган. Улар самимий дўст, сирдош, ўрни келганда танбех, ўғит бера оладиган ота бўла билган.

Кейин мени Самарқанд адабий муҳити ўзига ром қилди. Самарқанд давлат университети фондидаги нодир қўлёзмаларни ўрганиш иштиёқи билан 1971 йилда шу даргоҳга ишга келдим. Бу ерда Воҳид Абдулла, Нуриддин Шукуров, Ботирхон Валихўжаев, Улуғ Турсуновлар яратган мактаб менга равон йўл очди. Шу устозлар етовида профессор даражасини олдим. Устозларим ҳақида сўзлар эканман, уларга шогирд тушиб, доимо сергак, масъулият ҳисси билан яшаганимни ҳам таъкидламоқчиман. Бу ишингиз ноўрин бўлибди деган гапни олмаслик учун ҳар қадамимни устозларим, қолаверса, отам назари билан босиб ўтдим. Энди ўзингиз устоз бўлгач, бу масъулият яна ҳам ортаркан.

2014 йил май ойида Самарқандда ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция юртимиз илм аҳлининг қалбига ғурур бағишлади. Конференцияни ўтказиш учун айнан Самарқанд танлангани ҳам бежиз эмас эди. Шу анжуманда унинг ташаббускори мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов айтган гаплари ҳамон ёдимда: «Жаҳоннинг барча ҳудудларидан илм тилаб, маърифат тилаб инсонлар Самарқанд сари интилганлар. Чунки дунёнинг энг катта, бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улуғ дорилфунунлари – мадрасалар, энг машҳур алломалар айнан шу ерда, мана шу заминда фаолият кўрсатар эди».

Самарқанд – улкан тарих китоби. Бундаги манбалар дунёнинг ҳеч бир ерида йўқ. Биргина Самарқанд давлат университетининг ўзида беш мингдан ортиқ қўлёзма, олти мингта литография бор. 2011-2014 йиллар давомида уларнинг картотекаси қилинди. Бу манбалар ўз тадқиқотчиларини жалб қилиб турибди. Кутубхонамизда уч миллионга китоб бор. Бугун фанимизга кириб келаётган ёшлар илмга садоқатли. Уларни камол топтириш бизнинг қўлимизда.

Бу йил мен ҳам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи фахрий унвонига сазовор бўлдим. Бу 72 ёшни қаршилаётган муаллимни ўн-ийгирма йилга ёшартирди. Ҳали қиладиган ишларим кўп эканини англади.



SAVR

yong'irlari

(Ҳикоя)

Савр ёмғирлари баҳор чиройини янада очиб юборди. Илиқ томчилар гул-кўкат ҳидига тўйиниб, майсаларни обдон ювди. Она табиат чўмилаётган соҳибжамол янглиг илоҳий тус олди.

Гавҳар буви осмондан ёғилаётган ризқ-насибага шукрона айтиб, нуқул кенжа неvara келини ҳақида ўйлайди.

«Бояқиш, ой куни яқин, қорни нақ бурнига тегай дейди. Оёқ олишлари, ранг-рўйига қараганда, ўғил туғса кераг-ов», тахмин қилади кампир. Ўзи дўхтирлар ҳам текшириб, шундай «башорат» қилишаётганмиш.

Гавҳар буви тахминларини ҳеч кимга очик айтмайди, дўхтирларнинг гапини такрорлаган яқинларини эса жеркиб беради. «Нима, дўхтур деганинг Худонинг ёнига бориб келибдими? Қиздир, ўғилдир, бари Оллоҳ марҳамати ила дунёга келади. Биз, ожиз бандалар, фақат шукр қилишимиз керак...»

Кампир шундай дейди-ю, лекин ичини ит тирнайди. Ўн фарзандни катта қилган аёл сифатида яши биладики, онаизор болани дунёга келтириш чоғида ҳаёт ва ўлим оралиғида туради. У кўрадиган азобни дунёдаги бошқа бирор машаққатга қиёслаб бўлмайди.

Тўққизинчи эвараси туғилишини сабрсизлик ва хавотир ила кутаётган буви шуларни хаёлидан ўтказар экан, уч йил бурун 83 ёшида қазо қилган турмуш ўртоғини эслади, кўнгли бироз ёришди. Раҳматли чоли хийла инжиқ, қаттиққўл эса-да, мард, чўрткесар одам эди.

Етти ўғилнинг етмиш, уч қизнинг ўттиз уч муаммосини эр-хотин ҳам жиҳатликда, бир-бирларини суяб ҳал қилдилар. Эндигина яйраб яшаётганларида, чол бояқиш қазо қилди. У ёшини яшаб, ошини ошаган, бахтли инсон эди. Лекин кампир уввос солиб йиғлади, «бахтим қаро бўлди», дея фарёд чеқди. «Бахти қаро» аёлнинг 40 невараси, қўша-қўша машина-ю, ҳовли жойи бор, егани олдида, емагани ортида, тоғдек ўғиллар хизматида эди. Аммо чолнинг ўрни бўлак эди-да.

У бор пайтда буви ўзини еттинчи осмонда юргандек ҳис этар, эри барча бало-қазога тоғдек кўксини тутарди. Тўғри, барча эр-хотинлар каби улар ҳам тез-тез баҳслашишар, қовоқ-тумшук қилиб, гаплашмай юрган пайтлари ҳам бўларди, албатта. Лекин эркак, рўзғор чароғбони, хотиннинг орқа тоғи. Шундай экан, унинг зардасини ҳам кўтариш керак-да.

Ҳозир айрим келинчаклар чилласидан чиқмай, эрининг ёқасига қўл узатади. Мабодо, тижорат билан шуғулланиб, тўрт-беш танга топса, борми, «Мен эримни боқаяпман», дея айюҳаннос солади. Эр шўрлик эътироз қилса, хотин шаллақилик қилиб, маҳалла-қўйга чиқади, аризабозликдан ҳам тоймайди.





Албатта, хотинининг қўлига қараб, уйда овқат пишириб, бола боқиб ўтирган йигитларни «эркак» деб бўлмади.

Рисоладагидек эр-хотиннинг гапи остонадан нарига ўтмаслиги керак. Бу – олтмиш йил эри билан аҳил-иноқ яшаган Гавҳар бувининг ҳаётий фалсафаси, оилавий турмуш илмидан ёшларга берадиган «маҳорат сабоғи».

Буви чолини эслар экан, кўзларидан милдир-милдир ёш оқаётганини сезмасди. У сассиз йиғлар, кўз ёшлари кунора ёғиб турган савр ёмғирлари янглиғ ҳаётбахш, шукроналик ёшлари эди.

Шу аснода кенжа келини чой олиб келиб, дастурхон ёзди.

Очиқ деразалардан баҳор ҳиди анқир, боғдаги олча, гилослар қийғос гуллаган, чошгоҳ қуёшининг ёқимли нурлари танга ҳузур бағишларди. Буви, одатда, шу пайтда енгил тамадди қилиб, сўнг озгина мизғиб оларди.

Келиннинг оҳиста ҳаракатларини кузатаётган Гавҳар бувининг унга раҳми келди.

– Келинжон, ўзингизни асранг, бориб дамингизни олинг. Менга овсинингиз, қайнонангиз қараб туришибди.

Келин қўлини кўксига қўйиб, жилмайди.

– Бувижон, мен ҳам хизматингизни қилиб, дуо-йингизни олсам, нима қипти?

Буви иссиқ нон, ҳолвайтардан татинди, ҳузурлашиб кўк чой ичди. Дастурхонни йиғиштириб, бир чеккага қўйгач, мизғиб олмоқчи бўлди.

Қаёқда дейсиз, миясига турли хаёллар келаверди. Оилавий ҳаётда у йўқчиликни ҳам, тўқчиликни ҳам кўрди.

Уруш, урушдан кейинги йилларда далада кетмон чопди, пилла боқди. Отаси урушга кетганда, онаси билан баб-баравар елиб-югуриб, ука-сингилларига қарашди.

Қаҳатчилик йиллари эди. Чит қўйлак, чит рўмолда гўшангага кирди. Қариндош-уруғ, кўни-кўшни иштирокида кичкинагина тўй бўлди. Меҳмонлар олдига зоғора нон, жўхори палов қўйилди. Қаҳатчилик эса-да, одамлар кўнгида ҳиммат, меҳр-оқибат мўл, икки ёш бир-бирларига боқиб тўймас эдилар.

Бора-бора, ҳаёт фаровонлашди. Эр-хотин бир этак бола билан бўлиб, ёшлик ўтиб кетганини ҳам сезмай қолишди. Бу сиртдан қараганда шундай эди. Аслида эса, эрнинг мард ва ўктамлиги, билагидаги куч ўғилларига, хотиннинг чиройи, ораста, саранжом саришталиги қизларга кўчганди. Шундай бўлгач, ёшлик ўтиб кетганига афсус чекишга не ҳожат? Ёшлиқдай улуғ ва қайтарилмас неъмат эзгуликка бахшида этилса-да, ёинки бекордан бекорга кечса-да, у барибир қайтиб келмайди!

Эр бир умр далада ишлади, сувчилик қилди, пахта билан боғлиқ барча оғир ишларни бажаришдан оғринмади. Сал қўли бўшаган пайтларда ота-мерос ҳунари – дурадгорлик билан машғул бўлди, ўзи, ҳамқишлоқлари учун данғиллама уйлар қурди. Ҳамма уни Уста бобо дея ҳурмат қиларди.

Гавҳар буви шифтга тикилиб, хаёл сураб экан, неваралари, қизлар, келинлар, маҳалла ёшлари ўзига берадиган саволларни эслаб, мийиғида кулиб қўйди.

Қурмағурлар нуқул бир саволни такрорлашади. «Бобомиз билан севишиб турмуш қурганмисиз? Қандай танишгансизлар?»

– Эҳ, она қизларим-а, бир қишлоқда яшаб, бир пайкалда кетмон чопган бўлсак, танишишга не ҳожат? Раҳматли жуда абжир, сўзамол йигит эди. Бир неча кунда бошимни айлантирди-қўйди. Қандай розилик берганимни ўзим ҳам билмай қолгандим. Бобонгиз ҳар елкасида бир одам ўтирса бўладиган паҳлавон йигит эди, унинг нигоҳига унча-мунча қиз тоб бера олмасди-да... – дейди буви жилмайиб.

Лекин ёшларнинг саволлари сира тугамайди, рашк ҳақида сўрашади.

– Болажонларим, эр кишида рашк бўлгани яхши. Ҳадисларда «Рашк иймондандир» деб бекорга айтилмаган. Лекин рашк овқатга ишлатиладиган тузга ўхшайди, меъёридан ошса, тановул қилишнинг имкони йўқ. Оилавий ҳаётда ҳам шундай, рашк ҳаддан ошса, турмуш бузилади.

Ўзим ҳеч қачон рашк қилишга асос бўладиган ножўя ҳаракат қилмаганман. Бобонгиз шундоқ, яхши кўрганидан, қизғониб рашк қиларди, холос. Энг қизиғи, эр рашк қилмай қўйса, аёлга алам қиларкан, – дейди буви.

Қизлар, жувонлар қийқириб кулишади, катта ҳаётий тажрибага эга бувининг оилавий турмушга оид «маҳорат сабоғи»дан ҳузурланиб, чапак чалишади.

Айрим қувлари илмоқли саволлар ҳам беришади. Гавҳар буви «коса тагида ним коса» борлигини сезса-да, индамайди. Кечаги тўйда жуда кўхлик, шўх-шаддод кўшни келинчак очикдан-очиқ сўраб қолди:

– Гавҳар буви, тўғриси айтинг, эркак «гаҳ деганда қўлингизга кўниши» учун нима қилиш керак?

– Оппоқ қизим, – деди буви жувоннинг кўзига тик боқиб, – биз, аёлларнинг энг жиддий, тузатиб бўлмас хатомиз ҳам ана шу! Гаҳ деганда қўлга кўндиришга интилишимиз. Эр агар ювош, қўлга кўнишга мойил бўлса, унга «гаҳ» дейишнинг сира кераги йўқ. Ўзи кўлингга ҳам, елканга ҳам кўнаверади. Хоҳласанг, пошнангнинг тагига кириб кетади. Аммо-лекин қайсар, ориятлисини бўйсундираман десанг, рўзгор бузилади. Аёл ақлли бўлса, энг қайсар эркакни ҳам итоат билан енгил мумкин.

– Итоат билан ҳам енгил бўлмаса-чи, – яна тикилиб қилади ўша келинчак.

– Итоат ҳам фойда бермаса, меҳрибонлик, ширинсўзлик бор-ку, ахир! Келинлар, яхшиси, сизларга қадимги бир ривоятни айтиб берай, зора кўнгилларингиз тўлса, – дея Гавҳар буви пиёладаги чойдан бир хўплаб, сўз бошлайди.

... Қадим замонда янги турмуш қурган келинчак, эри билан бир йилча яшагач, унинг жабр-зулмидан безор бўлиб, ота-онасига арз-ҳол қилибди.

– Ота-онаси нима дейишарди, сабр қилишни маслаҳат беришибди. Келинчак тишини-тишига қўйиб яна бир йил чидабди. Аммо эрнинг зулми ошса ошибдики, сира камаймабди.

Келинчак машҳур бир донишманд-табиб ёнига бориб, эридан шикоят қилибди. Табибнинг қўлига бир неча тилло танга тутқазиб:

– Менга кучли заҳар беринг, эримнинг овқатига солиб, уни ўлдираман, бошқа илож йўқ, золимнинг

жабри жонимдан ўтди, дебди.

Доно табиб хотиндан эри билан муносабатини обдон суриштиргач, шундай дебди:

– Майли, қизим, аҳволингни тушундим. Лекин сенга кучли заҳар эмас, секин-аста маҳв этадиган оғу бераман. Уни эрингинг овқатига оз-оздан солиб бораверсанг, муродинг ҳосил бўлади. Зулмкорингдан халос бўласан. Агар тез таъсир этадиган заҳри қотил берсам, эринг дарҳол жон таслим этса, шубҳа остида қоласан, сени тошбўрон этишлари мумкин. Секин таъсир этувчи оғу билан эса, ўзингни хавф-хатарга қўймай, мақсадинга эришасан. Фақат биргина шартим бор: заҳарни ишлатар экансан, эринг билан хуш муомала қил, унинг ҳамма айтганини тезда, бекаму-кўст муҳайё эт, баҳшлашма, доимо итоатда бўл. Кўчадан ҳориб қайтса, очиқ чехра билан кутиб ол, қўлига сув қуй, олдига дастурхон ёз. Ана ўшанда заҳар қандай таъсир этаётганини кун сайин кўриб турасан...

Келинчак ҳамма ишни табиб айтгандек қилибди. Эрига меҳр кўрсатиб, ҳурматини жойига қўядиган бўлибди. Эр хотинидаги бу ўзгаришдан ҳайрон қолибди.

Хотин ҳам, ўз навбатида, эридаги ижобий ўзгаришлардан таажжубда экан.

Келинчак жуда тансиқ овқатлар пишириб, унга табиб берган заҳардан оз-оздан кўшиб бераётган бўлсада, эрининг чехраси кун сайин очилиб, хотинига жуда меҳрибонлашиб бораверибди.

Шу тахлит орадан бир неча ой ўтибди. Хотин эрига бошқатдан кўнгил қўйибди. Қилмишидан минг пушаймон бўлиб, кўз ёш тўкибди, наҳот, шундоқ меҳрибон эримнинг қотилига айлансам, дея ваҳимага тушибди. Қолган заҳарни олиб, табибнинг хузурига борибди. Эрини яна яхши кўриб қолганини айтиб, заҳар кучини йўқотадиган дори беришини илтимос қилибди.

Зукко табиб, жувонни хотиржам этиш мақсадида унинг кўлидан заҳарни олиб, косадаги сувга кўшиб, ичиб юборибди.

– Кўряпсанми, қизим, бу заҳар эмас, шифобахш гиёҳдир. Шу боис эринга дори керак эмас. Эрининг сенга қилган зулмига келсак, бу ўзингинг ёмон феъл-хўйинг оқибатидир.

Сен яхши томонга ўзгарганингдан сўнг, эринг ҳам яхши муомала қила бошлади. Эринг учун заҳарни кесадиган дори – бу сенинг ширин муомаланг, хуш хулқинг, меҳрингдир. ماشойихлар «Ҳар не истарсан, ўзингдан иста» демишлар...

Келинчак эрига зарар етказмаганидан севиноиб, табибга яна бир неча олтин танга узатибди. Табиб унинг қўлини қайтариб, шундай дебди:

– Бу олтинларни рўзгоринга ишлат. Бир оилани бахтли этганимдан беҳад шодман. Шунини қўлоғингга қўйиб олгинки, оилавий бахт ҳар қандай олтиндан қиммат, уни зар билан топа олмайсан!..

Давра аҳли яна ривоят айтинг, дея чуғурлашади.

– Бўлди энди, – дейди буви юзига жиддий тус бериб, – бировнинг тўйини мажлис-у маърузабозликка айлантирмайлик. Тўйда нуқул валақлаш эмас, еб-ичиб ўтириш ҳам керак. Бундай тўкин дастурхон тузаш учун хонадон эгалари қанча меҳнат қилишган!

– Йўқ, йўқ, бувижон, – дейишади ёшлар, – сизнинг суҳбатингиз ҳар қандай яхши овқатдан ҳам тансиқроқдир.

Буви уларнинг гапига қулоқ солмай кайвонига юзланади:

– Қани, янга ойим, овқатингизни сузинг! Буларингизга чақ-чақ деса ўзларини томдан ташлашади. Эртага иш, бола-чақа ташвиши зиммангизда турибди. Тўй баҳона ҳеч ким сизларни оналик вазифасидан бўшатгани йўқ-ку!

... Гавҳар буви ярми очик айвонда ўтириб, баҳор осмонига тикилади.

– Эҳ, – хўрсинади у, – қари кишининг насиҳат қилишу хаёл суришдан ўзга чораси, бойлиги, қолмас экан. Аммо «гапни гапир уққанга» деган ҳикматни ҳам унутмаслик керак...

...Вақт, Ҳаёт карвони Умр саҳросидан кўнғироқларини жаранг-журунг эттириб ўтиб бораверади. Инсон аслида ўзи, умри ўтиб кетаётганини ҳатто сезмай ҳам қолади.

Кечагина эди, раҳматли онаси, саранжом-сарашта, пазанда ва чевар аёл кизига оилавий ҳаёт, рўзгор илмини ўргатар экан, шундай дерди: «Эр-хотин, бу ўт билан сув дегандай бир гап. Эр ўт бўлиб ёнганида, хотин сув бўлиб ўчириши керак. Бола-чақа бахтини тўкис этишнинг бирдан бир йўли шу. Эрдан-эрга юрганча, гўрдан-гўрга кўчиш афзалроқдир».

Марҳум қайнонаси ҳам худди онасидек оғирбосиқ, оқибатли аёл эди, келинига оналик қилди, турмуш ташвишларини баб-баравар тортди, невараларини меҳнатсевар, одобли қилиб тарбиялашда кўмаклашди.

Икки ёш баъзи-баъзида ғижиллашиб қолишса, қайнона келинини унчалик койимасди. Лекин ўғлининг таъзирини берарди.

Она уни сизлашга ўтиб, мулоимлик билан мулзам қиларди. «Уялинг-е, ўғлим, девдай йигит бўлиб, шу ожизага кучингиз етдими? Донолар «Аёл – дарё, эркак – қирғоқ» дейишади. Сўзларимдан хулоса чиқаринг, уруш-жанжал бўлган хонадондан барака қочади...»

Тун яримдан оққан эди. Гавҳар бувининг кўзи илинай-илинай деганда ташқарида машина товуши эшитилди. Буви тез ўрнидан туриб, даҳлизга чиққанида, эшикда кенжа ўғил кўринди.

– Онажон, суюнчи беринг, ўғил, ўғил туғилди! Эвара муборак бўлсин!

Бувининг юраги ҳаприқди, каловланиб қолди. Сўнгра бироз нафас ростлагач, шундай деди:

– Ўзинггаям невага қутлуғ бўлсин, ўғлим! Энди сен ҳам бобо бўлдинг-да!

Она-бола бошлашиб хонага кирдилар. Гавҳар буви дуога қўл очди:

– Умри билан берган бўлсин! Бобо, бобокалонларидек бадавлат, ували-жували, эл-юртимизга керакли инсон бўлсин. Омин, Аллоҳу ақбар!

Ташқарида момоқалдиروқ гумбурлаб, яшин само кўксини чок-чок этди. Шаррос ёмғир куя бошлади.

Савр ёмғири баҳор туни чиройини янада очиб юборди. Гавҳар бувининг чехраси ҳам ёришиб кетди...

Жўра ФОЗИЛ

Аёллар ижодининг бетакрор маҳсули – «Ёр-ёр», «Ўлан», «Келин салом», алла, ялла, лапар, қўшиқ сингари ноёб айтимлар асрлар оша диёримизда маданий жараёнларнинг безаги бўлиб келди. Бугунги кунда ҳам ўз гўзаллиги ва бебаҳо қийматини йўқотмаган бу намуналар миллий мусиқа хазинамизнинг муҳим қисмини ташкил этмоқда.

Аёллар мусиқачилигининг юксалиши ҳамда муайян санъат турларининг шаклланишида буюк бобомиз Амир Темур тузган давлатнинг сарой маданий муҳити ва унда мавжуд шароит ва имкониятлар катта ўрин тутган.



Амир Темур ва темურიylar davri ayollar musiqa san'ati

Аёл зотини эъзозлаган Соҳибқирон Амир Темур саройида хотин-қизлар нафис санъат турлари билан машғул бўлиши ҳамда ижодий фаолият кўрсатиши учун зарур муҳит ва шароит яратилган эди. Манбаларда келтирилишича, мусиқачиларнинг ижросини мароқ билан тинглаган Соҳибқирон саройда эркак санъаткорлар билан бир қаторда раққоса, созанда ва хонанда аёллар ҳам ўз истеъдодини кўрсатишига изн берган. Бу каби маросимлар нафақат сарой саҳни ва айвонларида ўтказилган, балки тўй ва байрамларда, ўша даврда оммавий тус олган халқ сайиллари ва маросимларда ҳам кузатилган.

Амир Темур даврига оид ишланган миниатюраларда бу каби манзаралар акс этган. Жумладан, улуғ Соҳибқирон ҳузурдаги қабул маросимларидан бирига бағишланган миниатюрада мусиқачилар ансамбли тасвирланган бўлиб, унда санъаткор аёллар чилтор ва доира чолғуларини ижро этаётганлиги тасвирланган.


Соҳибқирон Амир Темурнинг аёл санъаткорларга бўлган юксак эътиборини унинг фарзандлари ва набиралари ҳам давом эттирган. Тарихдан аёнки, шеърият ва мусиқа билан жиддий шуғулланган темурийзодалар ўз боболари Амир Темурнинг изидан бориб, адабиёт ва санъат ривожланишига кенг имкониятлар яратиб берганлар. Жумладан, тарихчи Хондамирнинг маълумотига қараганда, Мирзо Улуғбек илм олиш ва санъат соҳаларида аёлларнинг эркаклар билан тенглигини эълон қилган ҳамда хотин-қизлар орасидан етишиб чиққан созанда, хонанда ва раққосаларнинг эркаклар билан ёнма-ён ўтириб, бирга ашула айтишига ва ўйин-кулги қилишига рухсат берган. Таъкидлаш жоизки, Восифийнинг «Бадоеъул вақоъ» асарида ҳам қимматли маълумотлар келтирилиб, унда Чақар хоним, Хонзода булбул ва Моҳчучук каби санъаткор аёлларнинг бетакрор ижролари ва эркаклар

билан биргаликда ижод этганликлари хусусида тўхталиб ўтилади. Тахминимизча, бундай тадбирларда аёл санъаткорлар ялла, қўшиқ, ашула ва лапар жанрларида ижодкорлик ва ижрочилик фаолиятларини намоён этганлар.

Соҳибқирон авлодларидан бўлган Умаршайх Мирзо ҳукмронлик қилган пайтларда саройдаги барча аёлларга хос давраларда ўйин-кулги қилишга ижозат берилганди. Унинг ўғли Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам мусиқа санъатига эътиборли бўлганлиги ёзма манбалардан маълум. У ўз саройига кўплаб санъаткорларни тўплаган бўлиб, аёлларнинг эркак санъаткорлар билан биргаликда ижод қилишига имкон яратган.

Темурийлар ҳукмронлиги даврида юзага келган аёллар санъати изсиз йўқ бўлиб кетмади. Устоз шогирд аънаналари асосида асрлар давомида ривожланди, сайқал топди. Ўз ўрнида минтақа халқлари мусиқа санъати ривожига катта таъсир кўрсатди. Кейинчалик Ўрта Осиёда юзага келган Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари даврида кўрсатилган эътибор, яратилган шарт-шароитлар туфайли янада ривож топди. Шуларнинг натижаси ўлароқ Бухорода созанда, Хоразмда халфа, Фарғона водийсида эса яллаци каби номлар билан маълум аёллар мусиқачилигига хос янги мактаблар шаклланди.

Насиба ТУРҒУНОВА,
санъатшунос



Ibrohim akaning

1916 йилнинг 15 октябрида Фарғона вилоятининг Қува туманида таваллуд топган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимни устозларимиз нафақат узоқ йиллар масъул лавозимларда меҳнат қилган таниқли жамоат арбоби, балки «Ихлос», «Чин муҳаббат», «Тақдир», «Оқибат», «Тинимсиз шаҳар», «Жоним фидо» каби қатор романлар, насрий асарлар муаллифи бўлган таниқли адиб, ўтқир публицист, жонкуяр устоз сифатида таърифлашади.

Айниқса, Иброҳим Раҳимнинг «Гулистон» журнали бош муҳаррири бўлиб ишлаган пайтлари, журнални ҳар томонлама ривожлантириш борасидаги меҳнатлари кўп бор эътироф этилади. Қуйида эътиборингизга ҳавола қилинаётган мақолада Иброҳим Раҳимнинг ўтқир публицист сифатидаги маҳорати, фазилятлари қаламга олинган.

Бадиий ижодда ҳар бир ёзувчининг етакчи жанри бўлади. Шу жанрда у ўзининг қарашлари, фикр-мулоҳазаларини аниқ ва таъсирчан намоён этади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, устоз муҳаррир Иброҳим Раҳимнинг қалами ижтимоий-бадиий публицистикада, айниқса, сайраб кетарди. У кишини, ҳеч муболағасиз, воқеа-ҳодисалар ривожини ижодкор кўзи билан кўра оладиган, моҳиятини бошқалардан кўра тез ва чуқур илғайдиган, фикр айтишда чўчимайдиган, бор гапни борлигича ўртага қўя оладиган, халқнинг жонли тилини чуқур ўзлаштирган, ноёб атама ва ибораларни жой-жойида ишлатиш маҳоратига эга ҳозиржавоб қалам соҳиби, публицист десак, муболаға бўлмайди. Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари адоғида бунга кўп бор ишонч ҳосил қилганман.

1989 йил. Собик тузум чок-чокидан сўкилаётган, иқтисод таназзулга юз тутган, бошқарув деярли издан чиққан, бунинг устига, узоқ йиллар давомида халқнинг руҳий, ижтимоий-маънавий ҳаётида йиғилиб қолган муаммолар юзага қалқиб чиққан бир пайт. 3-4 июнь кунлари Фарғонада маҳаллий аҳоли ва меҳсети турклари вакиллари орасида фожиали тўқнашувлар бўлиб ўтди. Узоқ йиллар давомида бир-бирига ҳамдард-ҳамфикр, жондош-қондош бўлиб яшаган икки қавм ўртасига ишончсизлик уруғи тушди.

Шу кунлари Москвада умри тугаётган собик иттифоқни сақлаб қолиш мақсадида катта курултой чақирилганди. Ўша пайтдаги Ўзбекистон раҳбарияти депутатларнинг Фарғона воқеаларига доир саволига: «Ташвишга тушадиган жойи йўқ, бозорчада

йигитлар бир ликопча қулупнай талашиб қолишибди...» деган мазмунда жавоб қилдики, бу шусиз ҳам олов бўлиб турган вазиятга керосин сепгандек бўлди. Устоз таҳририятга келиб, «Муҳаррир дўстим, бошқаларни билмадим, аммо мен республика раҳбарининг бундай масъулиятсиз гапларига бефарқ қараб тура олмайман. Газетанинг шу сонидан жой ажратасиз, Фарғона воқеаларига ўзимнинг муносабатимни билдираман, дилимдаги гапларни айтмасам бўлмайди» деди. Шу тариқа Иброҳим аканинг «Гўзал Фарғона, сенга не бўлди?» сарлавҳали оташин публицистик мақоласи қоғозга тушди ва у «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида (9 июнь) эълон қилинди.

Ўшанда Иброҳим Раҳим ва бошқа муаллифларнинг бундай чиқишлари наинки адабиёт газетаси ўқувчилари, балки бутун жамоатчилик эътиборини, мутасаддиларни ўзига жалб этди, жамиятда, ижодкор зиёлилар ўртасида ўзига хос уйғоқлик, огоҳлик муҳитини юзага келтирди. Фарғона воқеалари собик тузумнинг ғайриинсоний иқтисодий сиёсати, мантиқсиз мафкураси, иттифоқдош республикаларга нисбатан муносабатининг асл мақсадини яққол кўрсатиб берди.

Иброҳим Раҳимнинг «Тилимизни ҳаққа чўқиганми?» сарлавҳали мақоласи эса саратон осмонида чақин чаққандек бўлди. Устоз бу гал ҳам «улоқ»ни олиб кетди. Бор гап борлигича айтилди. Ушбу мақоланинг айрим ўринларини эътиборингизга ҳавола этмоқчиман:

«Тонги радиоэшиттиришдан то «Тунингиз хайр-

sayrog qalamini



ли бўлсин» дейилгунча, эрталабки «Ассалому алайкум» кўрсатувидан то ЎзТВ экрани ёпилгунча нечача бор кулоққа чалинадиган «ўзбекча» ясама сўзлардан ҳайрон қоласан киши. Кундузги ва кечки матбуотимизни варақлаганда кўзга ташланадиган тўқима сўз, тескари ибора ва тилбузар жумлалардан тилинг озор топади-да, «Тилимизни ҳаққа чўқиганми?!», деворгинг келади. Болаларимиз тилининг чучмал, ҳатто соқовлашиб бораётгани ҳам шунданмикин, деб ўйлаб қоласан.

Кундузги радио эшиттиришларидан бирида диктор қиз мулойим овоз билан «Буқачалар бўрдоқига боқиланти», деб ўқиди. Ундан «буқача» қаёқдан пайдо бўлди? — деб сўрагим келди. Чорвадорлар, молбоқарлар ҳеч вақт «буқача» демайдилар. Қорамол болаларини «бузоқ», «бузоқча» дейдилар, жинсига қараб айрилганда «новвос, ғунажин» сўзларини ишлатишади. Новвос катта бўлса ва зот олиш учун қолдирилса — «буқа», бичилиб қўшга қўшиладиганини эса «хўкиз» дейдилар. Қорамол «бўрдоқига» эмас, сўқимга боқилади, бўрдоқига боқиш қўй-қўзиларгагина хос.

Ем-хашак турлари ҳам бутунлай бузиб ёзилмоқда. «Дағал хашак» деган ном қаёқдан келиб қолди? Деҳқон тилида унинг ўз номи бор ва ҳар бири ўз маъноси, аҳамиятига молик: «беда, пичан, янтоқ, бурган, ўт, маккапоя, оққўхори пояси...».

Мақола эълон қилинганидан кейин газетада, ижодий ташкилотлар, айрим ўқув юртларида кўп муҳокамалар бўлди, илмий муассасаларда чора-тадбирлар белгиланди.

Иброҳим Раҳимнинг шу йили газетамизда эълон қилинган яна бир ўтқир мақоласи «Маънавий қаҳатчилик» деб номланган эди. Бугунги ўқувчиларнинг ёдига солиб қўйиш лозим: саксон тўққизинчи йили мамлакатда озиқ-овқат масаласида «карточка» тизими жорий этилган эди. Дўконларнинг пештахталари ҳувиллаб ётар, нарх-наво тинимсиз кўтарилар, одамларни эртага нималар кутаётганини ҳеч ким билмасди. Иброҳим Раҳим бу гал иқтисоддаги узилишларни эмас, халқнинг маънавий ҳаётидаги нуқсонларни, умри тугаб бораётган тузум мафкураси таъсирида юзага келган ғайриахлоқий ноқисликларни ўзига хос журъат билан қаламга олди.

Бундай мисолларни устоз Иброҳим Раҳим ижодидан яна кўплаб келтириш мумкин. Аммо шу уч мақоланинг ўзиёқ адиб публицистикаси ҳақида тўлақонли тасаввур уйғота олади. Иброҳим ака тажрибали муҳаррир сифатида таҳририятимизга тез-тез келиб турар, газетада эълон қилинаётган мақолалар, айниқса, жиддий мавзудаги публицистик чиқишларга самимий муносабат билдиришдан чарчамасди. Баъзан ёзгани озроқ қисқартирилса ёки мўлроқ таҳрир қилинса, бундан ранжимас эди, аммо «Ҳамма ўзининг услубида ёзади, услубимизни сақлаб қолсаларинг бўлди, бошқасига чидаш мумкин», деб қўярди. Муҳаррир сифатида мен газетамизнинг аввалги муҳаррирлари Асқад Мухтор ва Одил Ёқубовдан, таҳрир санъати усталари Ваҳоб Рўзиматов, Иброҳим Ғафуров, Носир Фозилов, публицист адиб Иброҳим Раҳимдан кўп нарсаларни ўрганганман ва бу билан ҳануз фахрланиб юраман.

Иброҳим ака ғайратли одам эди. Саксонинчи йилларнинг адоғида совет армиясида юз бера бошлаган турли ҳуқуқбузарликлар, иттифоқдош республикалардан ҳарбий хизматга борган йигитларни хўрлаш, камситиш фактлари устозни бефарқ қолдирмади, бир неча марта узоқларга сафар қилиб, аҳволни ўз кўзи билан кўриб қайтди. Шундай сафарлардан бирида – Шимолий денгизда Иброҳим ака ўзи тенги генералларнинг «Ҳай, ўзбек бобой, бу иш сенга тўғри келмайди», дейишига қарамай, сувости кемасида анча чуқурликка тушганини кўпчилик билмас керак.


Баъзан бирор бир масала юзасидан Иброҳим акага қўнғироқ қилсам, у киши ҳамиша мамнун овозда: «Муҳаррир жаноблари, эгарланган отдай тайёрман, бизга нима хизмат?», деб жавоб берарди. Бир гал газетхонлар билан учрашувга таклиф қилмоқчи бўлиб, «Банд эмасмисиз?» десам, «Бандман, укажон, телевизорда ҳамон буқачаларни бўрдоқига боқиб ётишибди, радиони дағал хашак босиб кетди, ўғрилар кечаси бир ҳовлига «ташриф» буюришганмиш, сиз жой ажратиб туринг, мақола эртага эрталаб тайёр бўлади» деганди. Устознинг бу жавоби кулоқларим остида ҳамон жаранг бериб туради.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ


Guliston 2016/5 23



*Kuz keldi... Bizlarga oltin kosada
sharbat ola keldi, bol ola keldi...*



Boburshunoslikka qo'shilgan munosib hissa



Яқинда «Санъат» журнали нашриёти бобуршунос олим, тарих фанлари доктори, профессор Абдумажид Мадраимовнинг «Темурийлар ва бобурийлар даври маданияти, китобат ва рангтасвир санъати тарихига чизгилар» номли тўпламини нашрдан чиқарди. Бу нашр тўплам доирасидан чиқиб, муаллифнинг қирқ йиллик изланишларининг комплекс мажмуасига айланган.

Муаллиф ушбу тўпламда асосан 1973-1990 йиллар давомида ўзбек ва рус тилларида темурий ва бобурийлар даври маданияти китобат ҳамда рангтасвир санъатига оид матбуот нашрларида чоп этилган мақолалар, тақризлар, авторефератларни тўплаб, олимۇ рассомлар, санъатшунослар асарлари, фикрларини келтириб, анча мукамал тарзда тадқиқот олиб борган. Айти материаллар асосида даврга оид рангтасвир, китобат, рассомлар фаолияти, асарлари, таржимаи ҳоли, ижоди ва асарлари борасида мутахассис сифатида мухтасар фикр билдирган.

Китоб тадқиқотчи томонидан шартли равишда тўрт қисмга бўлинади: 1-қисмда ўзбек тилидаги рисола, мақола, тақриз, ва ахборотлар, 2-қисмда рус тилида чоп этилган шу турдаги материаллар, 3-қисмда муаллифнинг «Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси»да чоп этилган мақолалари, 4-қисмда «Бобурнома»га доир муаллифнинг мақолалари ва бошқа тадқиқотларга муносабати жой олган.

Абдумажид Мадраимовнинг «Бобурнома»га оид миниатюраларни Россия, Тожикистон, Афғонистон, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар музейлари, санъати хазиналарида мавжуд намуналарини тўплаб, бу китобга киритгани муаллифнинг ютуғидир. Мазкур тўпламга «Бобурнома»га оид 1990 йилгача

битилган рангтасвир ва бадиий санъатнинг бошқа соҳаларига оид қатор маълумотлар киритилган. Жумладан Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод ва умуман, Марказий Осиё, Хуросон ва Ҳиндистон рангтасвир, мўйқалам соҳибларининг ижоди ҳамда уларга мутахассис олимларнинг қарашлари зийраклик билан таҳлил этилган.

Бизга маълумки, Фирдавсий, Ибн Сино, Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Жомий асарлари мазмундан келиб чиқиб, турли даврларда қатор мусаввирлар юксак маҳорат билан миниатюралар чизишган. Аммо «Бобурнома»чалик сюжет эпизодларига беш юздан ортиқ миниатюра ишланган ҳолатга гувоҳ бўлмаймиз. Бунга «Бобурнома»нинг муаллиф ҳаётлигидаёқ ёки вафотидан кўп ўтмай таржима қилиниши, кенг китобхонлар томонидан катта қизиқиш билан ўқилганлиги ҳам муҳим сабабдир. Иккинчидан, бу мемуар асарда тарихий, адабий, ҳамда ўша давр сиёсий, иқтисодий, масалалари «ростбаёнлик» билан ифода этилган. Бобурнинг Ҳиндистонни ўз тасарруфига киритиб, маданият, санъат, адабиёт ривожига юксак эътибор берганлиги, адиблар ижодини ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганлиги боис, миниатюра санъати, жумладан, рангтасвир санъати ҳам тараққиётга юз тутган.

Ҳинд рассомлари «Бобурнома»ни жиддий ўрганиб, унинг воқеалари, ҳодисаларига атаб кўп сонли миниатюралар яратган. Бу жиҳат ҳинд халқининг Бобур шахсияти, давлатчилигига билдирган юксак эҳтироми намунасидир. Тўплам муаллифи уларни асосан, икки гуруҳга бўлади. Биринчи гуруҳга мансуб миниатюралар «Бобурнома» асарига бағишлаб ифода этилган бўлса, иккинчи турдаги миниатюраларда Мирзо Бобурнинг алоҳида портретлари тасвирланади. Аниқланишича, Ҳиндистонда «Бобурнома»нинг ўн учта қўлёзмасига юзга яқин рассом томонидан миниатюралар ишланган.

«Бобурнома»нинг Бобур ҳаёти билан бевосита боғлиқ ўта муҳим лаҳзалари «Бобурнинг Чорбоғдан Андижонга қайтиши», «Бобурнинг опаси Хонзода бегим билан Қундуздаги учрашуви», «Хусравшоҳнинг Бобурга юкуниши», «Хонқули ўз отини Бобурга таклиф қилиши», «Музаффар Мирзонинг «Боғи сафед»да Бобур шарафига уюштирган зиёфати», «Бобур Ҳиротда Султон Ҳусайн Мирзо хонадонидан» каби ва бошқа ҳинд рассомлари асарларида ифодасини топган. Яна асарларда майда эпизодлар, яъни унчалик муҳим кўринмаган воқеалар ҳам ўрин олган. Масалан, «Бобур қиш совуғидан оловда исинмоқда», «Бобурнинг Панжхир дарёсида солдаги саёҳати», «Бобур Каррада Султон Жалолиддин уюштирган зиёфатда», «Сўн дарёсидан ўтиш» каби рангтасвир асарлари яратилиши «Бобурнома» Ҳиндистонда теран ўрганилгани, эътиборда бўлганидан далолатдир.

Профессор Абдумажид Мадраимовнинг энг муҳим хизматларидан бири шундаки, у ана шу миниатюраларни тўплаб, улар ҳақидаги мутахассислар фикрини келтириб, таҳлил қилган ҳолда, ўз баҳосини берган. Ҳар битта рангтасвир асари «Бобурнома»даги эпизодлар билан мос келиши таҳлил этилган.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор, Халқаро Бобур
мукофоти лауреати

Yoshlarni kasb-hunarga qiziqtirish omillari

Инсон ҳаётда ўз ўрнини топиши учун касбни тўғри танлаши ва уни таълим орқали ривожлантириши зарур. Шу туфайли ёшлик инсоннинг энг масъулиятли дамларидан ҳисобланса, таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларни касбга йўллаш назарияси ва амалиёти борасидаги ишларни фаоллаштириш, бунинг илмий асослари, принциплари, таркиби, шакллари, усуллари тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Ўқувчиларга илм-фан асосларини мустаҳкам сингдириш, уларда юксак умуминсоний ахлоқ кўникмаларини шакллантириш, турмуш ва меҳнатга, ижтимоий зарур касбларни онгли равишда танлашга тайёрлаш таълим-тарбиянинг ҳамма босқичларига тегишли бўлган вазифадир. Касбни тўғри танлашда мактаб ўқувчисининг қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш муҳимдир.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда тўп-ланган педагогик тажрибага асосланиб, касбга қизиқишнинг асосий шаклланиш омилларини қуйидагича белгилаш мумкин:

- ўқувчиларга индивидуал ёндашувни қўллаш. Педагогика ва психологияда тарбиявий ишларни олиб боришда индивидуал ёндашув ғоят самарали усул ҳисобланади.

- ўқувчиларни уларнинг кучи етадиган илмий изланишларга жалб қилиш. Ўқувчиларнинг илмий изланишларда иштирок этиши (илмий адабиётлар билан ишлаш, болаларни энг содда усул билан текшириш, сўровнома ва бошқалар) уларда касбнинг айрим қонуниятларини тушуниш имконини беради. Бу шубҳасиз, уларнинг танлаган касбларига эга бўлишларига хизмат қилади;

- ўқувчиларда ўз-ўзини билишни кучайтириш. Бунда ўқувчиларда ўз билими, ҳаракати, иқтидорини, мойиллигини таҳлил қила олиш кўникмасини шакллантириш кўзда тутилади. Айни шу ҳолдагина ўқувчи ўз касбини бировнинг тарғиботи, мажбурият орқали эмас, онгли равишда ўзи танлайди.


Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларда касбий қизиқишни шакллантиришда уларнинг онгига касблар ҳақида тушунчаларни сингдириш, ўзлари танлаган касб эгалари бўлишларига имкон бериш ва бу йўлда ота-она ва мактаб ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Гулноза СИДДИҚОВА

Onajon, onajonginam!

Ҳикоя

Бу дунёда қабулхоналардан бошқа ҳамма нарса доимий ўзгаришлар қонуниятига бўйсунди. Қабулхоналарнинг баъзан сершовқин, баъзан жимжит, худди қорлар каби мудроқ, ўзининг алоҳида ҳаёти бўлади. Бу гапларни сизга мен, бутун умрининг кўп қисмини қабулхоналарда ўтказган одам – Бондо Карсиладзе айта-япман. Ишонаверинг, худди шундай. Одамлар кейинги пайтларда анча асабий бўлиб қолган. Қабулхоналарда, масалан, шундай ҳолни кузатиш мумкин: кўринишидан жиддий бир одам ўтирибди. Аввалига у жимгина ачиган узумнинг шарбатини ичган куркадек бошини қуйи солиб ўтиради. Кейин эса тиззасидаги папкасини бармоқлари билан тақиллатиб черта бошлайди. Кейин эса сабр-сизлик билан ўрнидан туриб котибанинг олдига келади: «Менимча, бугун улар кабинетдан чиқмайди, мен кетдим!» дейдида, котиба гапиришга оғиз жуфтлашга улгурмай, жўнаб қолади. Бундай одамларга ачинаман. Булар кўпинча умрларини инфаркт хуружи билан тугатадилар ёки касалванд бўлиб ўз эшиклари олдидаги ўриндикда уззу-кун ўтирадилар. Мабодо, кимдир улардан соат нечалигини сўраб қолса, улар титроқ қўллари билан чўнтагидан соатни олгунларича ҳалиги одам аллақачон жўнаб қолган бўлади. Сиз балки ишонмаслигингиз мумкин, лекин менга қабулхоналар ёқади. Бу қабулхоналарга одатланиб қолганимдан эмас, шунчаки ёқади. Ҳа, у ердаги осудалик ва вақтнинг имиллаб кечиши негадир менга хуш келиб қолган. Бу ерда турмушнинг икир-чикирларидан, ҳар хил бош оғриғи тўполонлардан ором топгандек бўласан. «Ҳозир бандлар. Марҳамат, ўтириб кутинг», дейди сизга кўринишидан мулойимгина котиба стулни кўрсатиб. Сен ўтирасан ва қандайдир осудалиқдан ором топасан. Аста қабулхонанинг мудроқ муҳитига кўника бошлайсан. Жимлик. Девордаги соатнинг бир маромда чиқиллашини эшитасан. Деворга суяб қўйилган стулларда сенга ўхшаган кўтувчилар ўтиради. Котиба эса ниманидир тўқийди. Вақти келиб мутахассислар инсониятнинг янги – котиба нусхаси пайдо бўлганлигини ва бу нусха ўзгалардан жуда фарқ қилишига эътибор қаратишига ишонгим келади. Ер юзидаги ҳамма котиба-





лар ажойиб тарзда ўхшаш бўлади. Эътиборни тортадиган қадди-қомати, бошқаларнинг дард-хоҳишларига, ташвишларига бефарқликлари жиҳатидан ҳамма котибалар бир-бирларига ўхшаб кетади. Фақат уларгина ўзларининг темир асаблари билан, балки ҳамма нарсани ҳисобга олиб юришлари билан шаҳардаги, умуман, ҳаётда таранг вазиятларга дош бера олади. Деярли ҳамма қабулхоналарда аҳвол бир-бирига ўхшаш – котиба ниманидир тўқиб ёки китоб мутолаа қилиб, камдан-кам ҳолларда мудраб ўтиради. Бошлиқнинг хонаси ҳар доимгидек берк – ҳеч ким у ердан чиқмайди ва ҳеч ким у ерга кирмайди. Қабулхоналарга бўлган муносабатимни ишхонадагилар ва ҳатто уйдагилар ҳам билади. Шунинг учун қабулхоналар билан боғлиқ ҳамма ишларини менга топширадилар. Шаҳарда менга ўхшаган одамлар жуда кам. Балки шунинг учундир қабулхоналарда ўтирганларнинг ўнтадан камида еттитаси, албатта, эски танишларим бўлиб чиқади. Турфа хил қабулхоналарда сабр-қаноат билан кўпинча ўша одамлар ўтирган бўлади. Бу ҳолатни, айтайлик, мен илғаган эканман, бошлиқларга бу сир аллақачон аён бўлган. Бу уларга қабулхонада кутиб ўтирганлар билан муомалада ўз иш услубларини яратишга имкон берган, яъни кирган одамга ҳамма нарсани ваъда беради.

Мен ўша куни «Мажлис» кўчасида жойлашган ўн биринчи қурилиш трестининг қабулхонасида ўтирган эдим. Бу ерда анчадан бери бўлмаганим туфайли кўзимга илк ташлангани шу бўлдики, ҳамма нарса ўзгариб кетибди – мебеллар алмаштирилибди, янги котиба ишга олинди. Бутун шаҳар бўйича менга нотаниш бўлган котиба. У мени совуққина кутиб олди. «Сиз бу ерга чақирилганмисиз?» сўради. У мени аввал кўрмаганлиги билиниб турарди. «Ҳа, мени кутишяпти», совуққонлик билан жавоб бердим ва таклиф қилинмасам ҳам стулга ўтирдим. Бундай пайтларда кўпгина одамлар ўзларини йўқотиб кўядилар ва «Йўқ таклиф қилинмаганман», қандай масала бўйича кирмоқчисиз деган саволга «Шахсий масала бўйича», деб жавоб берадилар. Агар хоҳласангиз котибалар билан бўлган кўп йиллик муносабатимдан орттирган тажрибамни сиз билан бўлишаман. Ҳар қандай котибани «мих»дек қотириб кўядиган: «Мен чақирилганман, мени кутишяпти!» деган сўзлардир. Бу иборани шундай айтиш кераки, сўзларингиз жаранглаб чиқсин, қарашларингизда ўзингизга бўлган ишонч ифода этиб турсин. Жавобдан кўрқиб керак эмас: «Шошмай туринг, мана булар ҳам чақиртирилганлар». Бўш стулга ўтирасиз ва ўзингизнинг чақиртирилишингиз сабабини бошқаларникидан муҳимроқ эканлигини ўзингизни тутишингизда ифодалашга ҳаракат қиласиз. Қабулхона деворига қадаб кўйилган беш йиллик режани муддатидан олдин бажаришга даъват этилган плакатларни ўқий бошлайсиз. Бошлиқлар кимни чақирганликларини ёки чақирмаганликларини камдан-кам ҳолларда эслайдилар, шунинг учун

«таклиф этилганлар» уларнинг хонасига ортиқча такаллуфсиз киришлари мумкин. Ҳар ҳолда юқоридеги айтиб ўтилганлар шу новеллани ёзганимга қадар хатосиз «ишлаган». Ўн биринчи қурилиш трести бошлиғига корхона ишидан ташқари, ўзимнинг ҳам илтимосларим бор эди. Булар сизни қизиқтирмас керак муҳтарам ўқувчим.

Телефон жиринглади.

– Венерани? Ҳозир, шошманг жойидамикан билиб бераман. – деди котиба, кўнғироқ қилган одамнинг овозини яхши эшитмади шекилли овозини яна кўтарди: – Ҳозир деяпман, келганми, келмаганми бориб қарай.

Котиба ўрнидан турди. Белига боғланган оқ шарфни ечди-да, яна қаттиқроқ боғлаб қўйди. Келишган қоматини кўз-кўз қилган ҳолда қабулхонадан чиқиб кетди. Тезда қоп-қора сочлари елкасига ёйилган қирра бурун бир аёл билан қайтиб келди. Агар аёлнинг бўйни жирафага ўхшаб узун эканлигини ва очкилигини ҳисобга олмаганда, кўриниши ёмон эмас эди. У кичкинагина бошини ўгириб атрофга қизиқувчанлик билан қараб чиқди. Стол олдига келиб гўшакни олди ва «алло» деб жавоб берди-да, худди бир нарса чақиб олгандек тезда гўшакни котибанинг кўлига тутқазди.

– Леди, жонгинам, худо ҳақи, мени йўқ дегин, ўтинаман!

Леди гўшакни олди ва баланд овозда гапира бошлади:

– Алло, мени эшитяпсизми? Венера йўқ, ҳали келмаган. Қачон келади? – у Венерага савол назари билан қаради.

– Билмайман де, бугун бўлмайди дегин, – у кўлини силкитиб йўқ ишорасини қилди.

– Билмайман, хоним, эҳтимол, бугун умуман келмас.

Котиба гўшакни жойига қўйди ва иккала аёл стулга баравар ўтиришди. Венера узун бўйинини елкаси ичига торгандек бўлди, лабларини қимтиди ва яна Ледига мурожаат қилди:

– Мана, энди мени тамом бўлди, деявер. У кампир мени шу ердан ҳам излаб топибди, – деди у баланд овозда Ледига, унинг овозидан гўё гапимни ҳамма эшитсин деган маъно борга ўхшарди.

– Ким у хотин? – Леди ойнага қараб сочларини силаб қўйди.

Венера яна қабулхонада ўтирганларга қараб чиқди.

Қабулхонада етти киши ўтирган эди. Улар ўзларини унинг сўзларига эътибор бермаётгандек кўрсатиши, унинг кимдан бунчалик зўр бериб яширинаётгани уларни заррача қизиқтирмаслигини билдириш учун гўё Венерага қарамасликка ҳаракат қилардилар.

– Сен уни билмайсан, Леди. Тамом бўлдим, мени шу ердан ҳам излаб топибди, энди мендан бахтсиз одам йўқ! Эй, худойим-ей, телефон рақамимни қачон ердан билибди? Ким мени сотибди, мени пичоқсиз сўйишди деявер.

– Айтсангчи, оҳ-воҳ қилмасдан, ким у аёл? – кулгисини тўхтата олмай сўради котиба.

– Бўйнингдаги қанақа мунчоқлар?

Мунчоқлар мени қизиқтирмаса ҳам беихтиёр қараб қўйдим.

– Қўйсанг-чи, мунчоқларни! Мени қандай қилиб топди экан-а? Ким берганикин унга телефон рақамимни? Мен бу ерга ишга ўтганимда, бўлди, қутулдим, деб ўйлаган эдим. Энди эса мана, кўриб турибсан. Мен дилимда энг ҳадиксираб юрган нарса юз берди.

– Сендан нима хоҳлайди? Унга нима керак? – Леди белига боғланган шарфни тўғрилаб қўйди.

– Бир пайтлар у аёл билан бирга ишлардик. У иш юритувчининг ёрдамчиси эди. Аниқ эслолмайман, бунга анча бўлган. У аёлнинг қўли гул, у сочиққа ёки бирон матога шундай жимжимадор нақшларни тикардик, қараб кўзингни узолмасдинг. Бу нарсалар бирпасда харидорини топиб кетарди. Ўша пайтларда икки маротаба унинг уйига борганман. Нима учунам борган эканман, ҳалигача афсусланаман. Ҳатто мижозлар ҳам топиб берганман. Ўша пайтларда бундай қўли гул тикувчилар кам эди. Кейин у нафақага кетди. Биз уни бутунлай эсдан чиқардик. Замонни кўриб турибсан, баъзан ёнма-ён ишлаб турган одамларингни эсдан чиқарасан. Маруся холани-ку, энди қўявер. Мана, икки ой бўлди-ки, у менга кўнғироқ қилиб қолди. Мен уни эсладим, албатта. Сен мени одатимни биласан. У билан чин дилдан, самимий гаплашдик. Ўтган йили эри вафот этибди. Бир ўзи ёлғиз қолибди. Ёлғиз одамга қийин бўларкан, нима қилишингни билмайсан, деб шикоят қилгани-қилган. Ўзинг айт, нима қилиб беришим мумкин унга. Қўлимдан нима келади. Ўшандан бери кўнғироқ қилишини қўймайди. Қулоқ-миямни қоқиб қўлимга беради. Жонимга тегиб кетди. Гўшакни қўйиб қўйишга виждоним қийналади. Қаерга қочишни билмайман.

– Болалари йўқми?

– Албатта бор. Қизи, эслашимча, ўша пайтларда турмушга чиқиб кетган. Ўғли озгина кечроқ уйланган, қаердадир, Дидубе деган жойда почта бўлими бошлиғи бўлиб ишлайди. У Алоқа институтини тамомлаган экан. Ҳозир ўғли ҳам эллиқдан ошиб қолган бўлса керак. У ўша пайтларда ҳам онасидан хабар олмас эди. Боши тарвузга ўхшаган кал. У болаларидан шикоят қилмайди. Уларнинг ўз ташвишлари етиб ортади, мен кампирга вақт ажратишларига йўл бўлсин, дейди.

– Бу аёл сендан нима хоҳлайди?

– Ўлай агар тушунсам, нима хоҳлашини. Бошида вақти кўплигини айтиб, мижозлар топиб беришимни илтимос қилди. Назаримда, ҳали тетик пайтида озгина ул-бул ишлаб олмоқчи бўлди. Менимча, у бечора қариликдан эс-ҳушини йўқотяпти. Ўзинг айт, кимга керак ҳозирги пайтда унинг ёстиқ жилдига тикилган жим-жималари. Аллақачон модадан қолиб кетган. Шундоқ бўлса ҳам, мен унга мижозлар топиб беришга ҳаракат қиламан, дедим.

– Энди тушундим. Сен ўзингни ихтиёрий ра-

вишда қопқонга тушириб берибсан.

– Йўғ-ей, ундай эмас. У бугун гаплашган нарсасини эртага умуман эсдан чиқаради. Ҳар куни янгитдан битта гапни қайтараверади. Биласанми, ҳар куни бир хил гапларни такрор ва такрор эшитиш учун асабинг темирдан бўлиши керак. Эрим жуда ажойиб одам эди, менсиз ҳеч қаёққа ёлғиз ўзи бормасди, дейди. Болаларимни ҳам яхши тарбиялаганман, ўғлим ҳам яхши ўсди, ажойиб оилапарвар одам бўлди. Унга осон эмас. Ҳозирги замонда почта бўлими бошлиғи ойлигига яшаб бўладими? Мен қари бўлсам, ҳеч нарсада унга ёрдам беролмасам, дейди. Кейин ўзининг касалликлари ҳақида бирма-бир сўзлай бошлайди. Ўзинг тасаввур қил, буларни эшитишни. Кеча бўлса ўнг оёғимни жимжилоғи умуман ишламай қолди – дейди. Кечкурунлари телефонни узиб қўяман. Эрталаб ишга кетишимдан олдин улашим билан кўнғироқ бўлади.

– Эри нимадан ўлган?

– Нимадан ўлиши мумкин, қариликдан-да, албатта. Унинг гапига қараганда эса, гўё эри шифокорларнинг лоқайдлигидан вафот этганмиш. Нотўғри ташҳис қўйиб, инфаркт бўлган одамнинг ошқозонни ювишган эмиш, – деди Венера овозини пастлатиб. – Ким билади, балки ростданам шундай бўлгандир. Телефон жиринглади.

Леди гўшакни олганида гудок эшитилди, у гўшакни жойига қўйиб қўйди.

– Умуман, ачинарли. Ўзимиз қариганда нима бўламыз, худо билади. – деди ўйчан, ғамгин оҳангда Леди.

Венерани билмадим, бу сўзларнинг Ледининг оғзидан чиқиши мен учун кутилмаган ҳол бўлди.

– Албатта, ачинарли! – Венера зирагини ушлаб кўрди ва ўша қўли билан бўйнини қашиб қўйди. – Айт, нима қила оламан? Қандай ёрдам беришим мумкин? Уйда телефон жиринглашидан юрагимни олдириб қўйганман. Ҳар куни унинг соатлаб айтадиган сўзларини эшитиш учун қанчалик сабр керак, тасаввур ҳам қилолмайсан. Ҳар доим бир хил гап, бир хил сўз. Баъзан гўшакни стол устига қўйиб қўяман-да, ўз ишларим билан машғул бўламан. Ора-чора гўшакни кўтариб эшитаяпман, ҳа, шундай, тўғри деган сўзларни айтиб қўяман. Қўйиб берсанг, у икки соат тинмасдан гапиради. Қаердан олган экан бу кампир шунчалик куч-қувватни, дейман.

– Мен сенинг ўрнингда бўлганимда, – деди Леди тортмадан қандайдир латтани олиб ёзув машинкасини артаркан – «Энди, бундан кейин ҳеч қачон менга кўнғироқ қилманг» деб айтардим.

– Ўзим ҳам неча маротаба шундай қарорга келганман! Бошқа йўли йўқ, буни ўзим ҳам яхши тушунаман. Лекин ҳар гал шу сўзни айтмоқчи бўлганимда тилим айланмай қолади. Гўшакни олсан ва сўзларинга муҳтож, сен билан гаплашмасдан туролмайдиган одам турганлигини ҳис қиласан. Биласанми, ҳар гал гаплашганимда у кампирнинг тортинчоқлик билан сизни ҳам бошингизни қотириб юбордим де-



ган сўзларини эшитиб юрагим юмшаб кетади. Нима ҳам дейишим мумкин унга? Бошқа кўнғироқ қилманг, деб айтайми? Бошқа ким билан гаплашади?

– Сен фақат мен билан гаплашади, деб ўйлайсанми? Менимча, у кўп одамларга кўнғироқ қилади.

– Билмайман, нима қилишим керак? Қачонгача ундан бекиниб юраман. Энди иш телефонимни ҳам билиб олибди. Тамом бўлди энди...

Телефон худди шу сўзларни кутгандек яна жинглиди.

– Маъзур тутасиз, Венера бугун бўлмайди, топшириқ билан кетган. Эртага кўнғироқ қилинг, эртага бўлади, – деди Леди гўшакка ва Венерага қараб оппоқ тишларини кўрсатиб тиржайди. – Яна ўша хотин, оти нимайди... Маруся хола.

– Ҳа, Маруся хола. Наҳотки, унинг телефони ҳеч қачон бузилиб қолмаса.

– Нималар деяпсан? Агар шундай бўлиб қолса у ҳаммани оёққа турғазати. Телефон унинг одамлар билан мулоқот қиладиган ягона воситаси. У телефонсиз бир кун ҳам яшолмайди: юраги ёрилиб ўлади.

Қандай кўчага отилиб чиққанимни, қандай телефонхонани излаб топганимни, кимдан икки тийинлик сўраб олганимни, қандай қилиб тезликда рақам терганимни эслай олмайман. Телефон ричагини босиб яна қайтадан рақамни тераман:

– Онажон! Қаердасиз онажон?!

– Ўғлим, сенмисан? Қаерда юрибсан! Ишларинг жойидами?

– Нега гўшакни олмадингиз, ойи?! – Йиғламоқдан бери бўлиб қичқирдим гўшакка. Ҳаяжондан юзимга қон гупиллаб ураётгандек эди.

– Энг охири хонадаги отангни сандиғини тартибга келтираётган эдим, ўғлим. Кийимларни лаънати куя еб ташлабди. Ўзинг биласан, ўғлим, қулоғим яхши эшитмайди. Анчадан бери кўнғироқ қилаяпсан, шекилли. Эҳ, мен қари аҳмоқни эшитмаганимни қара-я! Қандай аҳволга тушиб қолдим ўзи.

– Ойижон, мен кўрқиб кетдим, – дедим қуйилиб келаётган кўзёшларимни зўрға тийиб. – Ойи, аҳволингиз яхшими?

– Ёмон эмас, ўғлим, раҳмат.

– Ойижон!

– Ҳа?

– Ҳозир олдингизга етиб бораман, мана, ҳозир, беш дақиқада олдингизда бўламан.

Кўчада худди телба одамга ўхшаб дуч келган машинага қўлимни силкийман. Тилимда эса бир сўзни тинмай такрорлайман:

– Ойи, ойижон, мен нодон ўғлингизни кечиринг, ҳозир ҳузурингизга учиб бораман...

Грузин тилидан
Ҳамидулло ИСМАТ таржимаси

Ovoz rejissorligi – mas'uliyatli kasb

Инсон ахборотнинг ярмидан кўпини кўз орқали олгани ҳолда, тинглаш воситасида унда руҳий-эмоционал кайфияти уйғонади. Бу борада овознинг ўзига хос ўрни бор. Инсон овози, мусиқа, борлиқ ва табиатдаги турли саслар, шивирлар, акс-садолар овознинг ўзаги, асосидир.

1878 йилда Томас Эдисон томонидан фонографнинг ихтиро қилиниши ижод оламида овоз режиссёрлиги соҳасининг пайдо бўлишига замин яратди. Механик тарзда овоз ёзиш ғояси ўтган асрнинг бошларида америкалик олим Э.Берлинер томонидан илгари сурилди. Унинг бу ғояси туфайли овозни граммофон пластинкаларга ёзиб, кўпайтириш имконияти туғилди. Йиллар ўтгани сайин овоз ёзишга мўлжалланган техникага эҳтиёж орта борди. Кейинчалик овозкучайтиргичлар, шунингдек, акустик тизимга мўлжалланган ускуналар ихтиро қилинди. Натижада студия шароитида овоз ёзиш мосламалари ишлаб чиқарила бошлади. Радио, телевидение ҳамда овозли фильмларнинг пайдо бўлиши билан овоз режиссёрлиги соҳасининг ривожини шиддатли тус олди.

Ўзбекистон телевидениеси амалиётида ҳам мазкур мураккаб жараён ўз тенденцияларини намоён этди. Мамлакатимизда илк бор телевидион овоз 1956 йил 5 ноябрда янгради. Бу диктор Иқбол Олимжоннова томонидан ўқилган эълон матни эди. Таъкидлаш жоизки, дастлабки даврда тасвирни ҳамда овозни эфирга узатиш жараёнига соф техник жабҳа сифатида қаралган. Телекўрсатувда овоз узатувчи зиммасига телевидион режиссёр ва тасвирчи билан деярли баб-баравар масъулият юклангани ҳолда, унинг фаолияти техник ва ижодий жараёнларни бирлаштирган. Овоз режиссёри нафақат техник ускуналарни мукамал ўзлаштирган бўлиши, балки эфирга узатилаётган махсулотга ижодий ёндашиб, мусиқий билимга эга бўлмоғи шарт саналади. Бир сўз билан айтганда, овоз режиссёри ҳам техник маҳорат, ҳам ижодий қобилиятни ўзида мужассамлаштира олиши керак бўлади.

Магнит тасманинг кашф этилиши овоз режиссёрининг технологик иш жараёнида ўзгариш ясади, фонограммани монтаж қилиш, қайта ёзиш имкониятлари кенгайди. Кўп каналли ёзиб олиш услуги эса овозни қайта ишлаш, мусиқий ёзувлар тиниқлик даражасини ошириш мумкинлигини кўрсатди. Овоз ёзишда полимикрофон усули орқали иш жараёнида янги методлар шаклланди. ХХI асрнинг бошида овозга ишлов беришда рақамли тизимнинг пайдо бўлиши овоз режиссёри ижоди тараққиётида янги босқични бошлади. Янги технологиялар овоз режиссёри ижодида овозга бадиий жило беришнинг онтологик жиҳатларини намоён этди. Овоз режиссёри ўз маҳорати орқали инсон сезгиси, туйғуларига таъсир ўтказади. Шунингдек, овоз режиссёри иш унумдорлигини ошириш, тингловчида керакли таассуротни шакллантириш учун замонавий техникадан фойдаланиш билан бир қаторда ўзининг юксак билим ва тафаккурига, ижодкорлик қобилиятига таянмоғи муҳим аҳамият касб этади. Овозга бадиий жило беришда шаклланган анъана ва соҳанинг тараққиёт мезони ҳам ана шу муҳим жиҳатларга узвий боғлиқдир.

Жасур ОЧИЛОВ



Ona allasida Vatan bor buyuk...

ВАТАН

Она алласини тинглаб, жилмайиб,
Бешиқда ухлайди гўдак бехатар.
Аёл ожизамас, турмас мунғайиб,
Эркак-ла ёнма-ён яшар, яратар.

Она алласида Ватан бор буюк,
Қалбларга муҳрлар Ватан номини.
Шунинг учун она Ватандай суюк,
Нур сира тарк этмас кўнгил жомини.

Она алласини тинглайди ер-кўк,
Ватан осмонида чарақлар офтоб.
Гўдак оёғини ўпар майса-кўк,
Куйлар оқиб кирар кўшиқ, нур, китоб.

Ватан дея оқар ариқдаги сув,
Қушлар навосида тинчлик нафаси.
Она алласида бир улуғ туйғу
Бешиқлардан боқар юртнинг эртаси.

Кимнидир соғиниб яшасанг, интиқ,
Сенга ҳам кимлардир бўлса интизор.
Демакки, умрингда бор маъно, мантиқ,
Демак, яшамабсан бекордан-бекор.

Бахт нима, севгими, кўшиқми нафис,
Бахт бу - сен, бахт бу - мен, керакмиз элга.
Ҳар лаҳза қилгумдир даркорлигинг ҳис,
Ҳар лаҳза кераксан, деб айтгин менга.

Агар мен ҳеч кимга бўлмасам керак,
Элим-чун бир гулшан этмасам бунёд.
Яшаб нима қилгум, тўхтасин юрак,
Ёниб севолмасам, не даркор ҳаёт.

ОНАМГА

Бир кўшиқ куйлайин сенинг ҳақингда
Тонгдай тоза, тонгдай нурафшон.
Бир кўшиқ куйлайин, сенинг ҳақингда,
Умрингдек мазмунли, серзавқ, Онажон.

Меҳримни жо этиб сатрлар аро,
Бир кўшиқ куйлайин сочларингдек оқ.
Бир кўшиқ-ки, орзунг каби дилрабо,
Умидингдек ёрқин, ниятингдек пок.

Бир кўшиқ куйлайин сен-чун, Онажон,
Сўзларингдек тотли ёзай бир ғазал.
Сен учун яратай меҳримдан дoston,
Чеҳрангдай пурмаъно, қалбингдай гўзал.

Бағрингдай ҳаётбахш, меҳрингдай иссиқ,
Бир кўшиқ куйлайин, меҳрибонгинам.
Қонимда гупирар тугёнли кўшиқ,
Гуриллаб ёнмоқда ҳисларим бу дам.
Бир кўшиқ куйлайин...

Боғлар гулга тўлдилар яна,
Шаббодалар югурар бебош.
Қилса ҳамки шодлик тантана,
Нечук ғамдан кўтармайсан бош.

Ғамларни қўй, ўртанма ортиқ,
Одатиммас шодлик сўрмоқлик.
Менга оғир, эй дўсти содиқ,
Кўзларингни ёшли кўрмоқлик.

Қара, менинг ҳолимга, қара,
Сени ўйлаб кўзларим ёшли.
Бу дунёда бормикан, бағрим,
Менинг каби сабр-бардошли?

Биламанки, таскин беҳуда,
Беҳудадир асалдай сўзлар.
Зеро, юзга ярашмас қулгу,
Ёшга тўлиб турганда кўзлар.

Гўёки шафақда гўзал камалак,
Бокира қалбларда бебаҳо биллур.
Кўзимга кўриндинг, шеърият, шу дам
Ўзинг айт, дард недур, айт, қувонч недур?

Мен билмасман бугун қалбимда,
Бир пари бор не сўзлайдир ул?
Қаҳ-қаҳ қулар, гоҳо бўзлайди,
Мен билмасман не истайдир ул?

Қувонч десам, ёнар юрагим,
Қайғу десам роҳатбахш-ку у,
Билолмасман унинг тилагин –
О, юрагим, не истайди у?!





Икромжон АСЛИЙ

Yaxshiliging qolar dunyoda...

ТУЙГУЛАР

Эрталабдан жилмайди Офтоб,
Гулбаргга юз босди шабнамлар,
Шабнамлар – осмоннинг эрка қизлари...

Ўзгариб боради кунларнинг туси,
Тунлар қиёфаси ўзгарар чандон,
Сенинг йўқлигингни ўйласам, эй Гул...

Чарх уради бошимда хаёл,
Соғинаман пойтахт оқшомин,
Кўз олдимда эса яна – Сен!

Барқ ураркан безавол гуллар,
Нисбатингни ўшаларда деб,
Тикиламан, бутун вужуд – кўз!

Машиналар учади «ғиз-ғиз»,
Мен уларга парво қилмайман:
Ҳеч бирида Ўзингиз йўқсиз.

Ғусса ғижимлаган сабрнинг
Ёқаси чок, тилка-порадир.
Ёлворадир сени сўраб Дил...

Йўқ нарсани сўзламай дейман,
Аммо кўзим кўзингга тушса,
Бошидан бошланар ҳаммаси...

Интизорлик лаҳзаси узун,
Дийдорлашув они чақмоқ – тез,
Дақиқалар мунча бешафқат!!!

Арзимаган гап-сўзлар билан,
Қирқ йиллик дўстликка дарз кетди,
Одамзоднинг феъли бунча мўрт!

Сен кўрқмай яхшилик қилавер,
Яхшилигинг қолар дунёда,
Қолгани шунчаки, шунчаки...

Дарахтларнинг авзойи бузук,
Кечирмайди улар доим ҳам,
Садоқатни билмас қушларни!

Бир гул кўрган эдим чаманда,
У – табиат эркаси эди.
Баҳор ўтди, гул ўтди, гул... йўқ!





Alisher Navoiy dahosini urug'lab...

Ҳар бир миллатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгилайдиган даҳо шоирлари бўлганидек, ўша улўғлар изидан бориб, буюклик сирларига элни ошно этиб, таниган алломалари бўлади. Ҳазрат Навоий ижоди унга юзланган ҳар бир олим учун жуда катта ҳикмат ва санъат уммони, шу билан бирга, ўзлигини таниш ва танишиш учун имконият ҳамдир. Фитрат, Олим Шарифиддинов, Ҳамид Сулаймон, Порсо Шамсиев, Воҳид Зоҳидов, Иззат Султон, Азиз Қаямов, Абдуқодир Ҳайитметов ва бошқа олимлар Ҳазрат Навоий даҳосини, унинг ўлмас асарларини тадқиқ этиш орқали миллат равнақига беминнат хизмат қилдилар ва шунинг баробарида ўз илми ва имкониятларини намоён этдилар.

Устоз Абдуқодир Ҳайитметов хусусида гап кетганда, аввало, бу беназир олимнинг Ҳазрат Навоий ижоди борасида олиб борган тадқиқотлари кўз олдимизга келади. Навоий шеърий гулистонини сайр қиларкан, унинг энг нафис лирик мероси намуналарини танлаб, жамлаб ўрганиши натижасида «Навоий лирикаси» тадқиқоти (1961) юзага келгани ва бу китоб орқали Ҳазрат яратган соҳир шеъриятнинг рангин қатламларидан ўз ўқувчиларини баҳраманд этганини эъзоз билан тилга оламиз. Абдуқодир домла Ҳазрат Навоий феноменига юзланар экан, даҳо шоирнинг нафақат лирик ҳамда эпик асарлари, балки буюк аллома сифатидаги филологик меросини тадқиқ этгани ва ҳали Навоий ижоди хусусида «форс адабиётининг тақлидчиси», «таржимон» каби менсимаслик кайфияти тўла тарқамай туриб, илм аҳлига Ҳазрат Навоийни улўғ адабиётшунос сифатида танитган олим бўлди. «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари» тадқиқоти (1959) гарчи ўз даври мафкуравий тазйиқи доирасида ай-тилганига қарамай, ўшандай биқик шароитда ҳам Ҳазратнинг илмий рисоалари, арузшунос ва тазки-

ранавис сифатидаги йирик асарларини тадқиқ этиб, илмий жамоатчилик томонидан тан олиншига сабаб бўлди. Навоийнинг илмий мактаби туфайли ўзбек ва форс адабиётшунослиги қарийб беш асрга қадар муваффақиятли фаолият юритгани ва ҳамон ҳаракатда эканини кўрсатиб бера олди.

Алишер Навоий ижодий меросининг жаҳон адабиётидаги оламшумул аҳамиятини таъкидларкан, олим: «у эпик поэзияда Фирдавсий, Низомий, Хисрав Дехлавий, Жомийни, лирик поэзияда Ҳофиз, Хисрав Дехлавий, Жомий, Лутфийни тан олар ва бутун ҳаётида улар билан тенглашишга интилан эди. Шунинг учун уни Шарқ шоирларидан фақат шу гигантлар билан, айниқса, маснавийда Низомий, ғазалда Ҳофиз билан тенглаштириш тўғри бўлар...» деб ёзганида тамомила ҳақ эди (Ҳайитметов А. «Навоийнинг ижодий методи масалалари.» Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1963. Б.166). Айни илмий ҳақиқат Шарқ шеърияти дарғалари ижоди таҳлилида ҳам намоён бўлади Бу жиҳат олимнинг «Навоий даҳоси», «Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. X-XV асрлар» (1970) китобларида ҳам акс этган.

Профессор Абдуқодир Ҳайитметов Истиқлолни ёруғ юз билан қаршилаган олимлардан. Чунки ўзбек профессорлари орасида ҳам фақат замонасозлик билан кун кўриб, ўзининг бутун умри ва фаолиятини собиқ шўро ташвиқотига бағишланганлари бўлгани сир эмас. Абдуқодир ака ўз вақтида имконсизликдан юзага чиқмай қолган буюк меросни элга танитишга ҳаракат қилди ва бу ишга ҳам тадқиқотчи олим, ҳам матншунос сифатида киришди. «Адабий мерос уфқлари» (1997) каби гўзал тадқиқотлари қаторида шўролар даврида ҳатто номини тилга олишга журъат қилолмаганларга ўрнатилган сифатида Қул Убайдийнинг ўзбекча ғазалларини тўплаб, нашр эттирди (1994). Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай хорихдаги ҳамкасбларимиз изланишлари туфайли топилган Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул-балоға» («Балоғат фанлари») асарини табдил этиб, илмий жамоатчиликни бу мўътабар манбадан баҳраманд этди. Аҳамияти жиҳатидан нафақат адабиётшунослик,



балки XV аср маданий тарихини қамраб олувчи кам-ёб асарнинг топилиши, табдил ва тадқиқ этилиши ўзбек адабиётшунослиги обрўйини ҳам бир қадар орттирди. Чунки гарчи Оксфорддаги Бодлеан кутубхонасида кўлёмаси 70 йил бурун рўйхатга олинганига қарамай, жаҳон туркийшуносларининг эътиборини топмаган ноёб манбаининг илмий истеъмолга кириши А.Ҳайитметовнинг заҳмати туфайли юзага келди. Бу китоб олим томонидан нашр этилганидан (1996) сўнг, илмий жамоатчилик эътиборини топди, у ҳақда америкалик олим Девин де Уис ва қозоғистонлик профессор Ислом Жеменей тадқиқот олиб борди. Айни мана шу манба туфайли «Гул ва Наврўз» достони муаллифлиги, Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Саккокий каби ўнлаб шоирлар ижодига аниқлик киритилди. Бойсунғур Мирзо, Камол Хўжандий каби форсигўй деб изоҳланиб келинган шоирларнинг туркий байтлари аниқланди, Ҳожи Ақча Киндий, Қутбиддий Сароий, Ҳотифий, Муҳаммад Темур Буғро, Шамс Қасорий каби ўзбек шоирлари Шайх Аҳмад Тарозийга замондош бўлиб ижод қилганлари маълум бўлди. Бу каби беминнат илмий юмушлари олимнинг юксак инсонийлиги, илмпарварлиги ва ўз соҳасининг билимдони эканини кўрсатади.

Шу билан бирга Абдуқодир домла фундаментал тадқиқотлар яратиш ишига астойдил бел боғлаб, «Темурийлар даври ўзбек адабиёти» (1996) тадқиқотини яратдики, бу кўламли ишнинг асосий илмий йўналишлари устознинг монографиясида ўз аксини топган. Нафақат Амир Темур даври адабий муҳити, балки Соҳибқирондан кейинги даврлар адабиётидаги ижодий тараққиёт етарли даражада ўрганилмаган. Шоҳрух Мирзо, Абулқосим Бобур, Искандар Мирзо, Саййид Аҳмад ибн Мироншоҳ сингари темурий шаҳзодалар ижоди сари ҳали илмий йўл қурилмаган эди. Жумладан, олим шундай ёзади: «Адабиёт ва санъат бўйича Бойсунғур Мирзо амалга оширган ишлар ҳажмини ундан кейин Ҳиротда фаолият кўрсатган Алишер Навоий хизматлари билангина таққослаш мумкин».

...Менга Абдуқодир ака билан узоқ суҳбатлар, у кишининг маслаҳатларидан доимий равишда баҳраманд бўлиш насиб этмаган. Бироқ биз мулоқотда бўлган 2-3 учрашувнинг ўзиёқ самарали натижалар берганини шу соҳанинг кичик бир ходими сифатида «Номини эъзоз билан тилга олишга арзиғулик устоз» деб айтишга имкон беради. Профессор Абдуқодир Ҳайитметовнинг илмий мероси ва адабий фаолияти ҳали кўп олимларнинг ишларида ўз «умрини» давом эттиради.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

Ҳикматнома

Бир кўнгил иморати – минг Макка зиёрати

Халқ бу мақолда яхшилик қилиб, кўпчилик тугул ҳатто бир кишининг кўнглини шод ва обод қилиш («иморат» солиш) ҳам Маккага минг марта бориб, ҳаж қилиб келишдай яхши, хайрли эканлигини кўрсатади.

Байт:
Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлағай.
(Навоий)

Билганинг дарё бўлса, билмаганинг – денгиз

«Билганинг – бир тўққиз, билмаганинг – тўқсон тўққиз», «Билгандан билмаганинг кўп, кўргандан кўрмаганинг кўп», «Билган киши билдим демас, билдим деса – билгани эмас», «Бирини билган – бирини билмас» сингари нақллар «мен кўп нарсани биламан», деб мақтанма, чунки ҳали билмаган нарсалар ҳам сендан ортиқ биладиганлар ҳам кўп деган маънода қўлланилади.

Бир кун туз еган жойга – қирқ кун салом

«Тўйган ерга тўққиз кун таъзим», «Тузини ичиб, тузлиғига тупирма», «Бир кунлик танишга минг кун салом бер»... Булар билан «Яхшилик кўрган ерингни, яхшилик кўрган одамингни асло унутма, унга сира ёмонликни раво кўрма, уни ҳамиша ҳурмат қил», деб ўғит берилади.

Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетар

Оилада бўлар-бўлмагасга жанжал қилавермаслик, айниқса, эр билан хотин аҳил бўлиши зарурлигини уқтирувчи бу мақолнинг бир неча варианты бор: «Бир кун урушганинг қирқ кун насибаси кесилади», «Жанжалли уйда барака бўлмас», «Жанжалли уй – азобли гўр», «Шубҳали уйда тўша (жамғарма) бўлмас», «Оила аҳил бўлса, омад ўз оёғи билан келади».

Кенг бўлсанг, кам бўлмайсан

«Кенг бўлган кенг яшар», «Кенг бўлган тенг яшар», «Кенг бўлганга ғам юқмас». Бу мақоллар билан «Юраги кенг, қўли очиқ, кўнгли очиқ, сахий одам эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонади, ўзгаларнинг иззат-ҳурматиға, сийловига, саховатиға сазовор бўлади», деган маънода насиҳат қилинади.



Mislar bersang, mis kam etin

Ўзбекистон Амалий санъат музейидан кўплаб халқ ҳармондчилиқ асарлари ўрин олган. Жумладан, мисгарлик буюмларига ҳам кенг жой ажратилган. Мисгарлик коллекциясидаги идишлар ўзининг тури, кўриниши, ишланиш техникасига кўра, бир неча маҳаллий: Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Тошкент, Марғилон, Қарши каби мактабларни ўзида мужассам этади. Музей захирасида 200 дан ортиқ турли функционал мис идишлар: баркаш, дастшўй, кашкул, қозон, офтоба, чойдиш, қумғон, сатил, чилим, обдаста ва бошқа рўзгор буюмлари ўрин олган.

Қадимда юртимизда озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва тайёрлашда ҳам мис идишлардан унумли фойдаланилган. Масалан, сув келтиришда, тиндиришда ва сақлашда мис кўза, обдаста, офтобалардан кенг фойдаланилган. Сув қайнатишда, асосан, қумғон қўлланилган. Дон, дуккакли маҳсулотлар ҳам мис идишда яхши сақланиб, зараркундалар тушмаган. Экспонатлар орасида яна бир ажойиб «нонсатил» идиши бўлиб, унда нон ва пишириқлар сақланган. Айниқса, тўй ва байрамларга атаб кўп миқдорда тайёрланадиган пишириқларни сақлаш учун сатил жуда керак бўлган. Ширинлик ҳақида сўз кетганда, уларни пиширишда ишлатиладиган қозонларни ҳам унутмаслик керак. Шарқона ширинликлар, новвот, ҳолва ва мурabbo каби лаззатли таомлар айнан мис қозонларда нисбатан яхши тайёрланган. Юқорида айтиб ўтилган мис идишлардан ташқари мева-чева, сут-қатиқ солинадиган жомлар, думалоқ шаклда ишланган қопқоқли идишлар яхна шарбат, чанқовбосди ичимликлар учун кундалик турмушда кенг қўлланган. Айниқса, сув ташиладиган ва қайнатиладиган мис идишлар сирти қалай қопламаси билан сирланиб, бу усул маҳсулотни оксидланишдан ҳимоя қилган.

Музей коллекциясида ўрин олган мис буюмлар асосан XIX аср охири ва XX аср бошига мансуб. XX асрга оид мисгарлик буюмлари 1920-1980 йиллар мобайнида ижод этган Тошкент мисгарлари Ф.Обидов, Г.Тикаев, М.Мадалиев; Қўқон мисгари А. Назар, Л. Фозилов; Хоразм мисгари Отажон; Бухоро мисгари Р.Қулиев ва бошқаларнинг ишларидан иборат. Энг кўп

тарқалган мисгарлик буюмларидан яна бири бу баркаш ва лаган (патнис)лардир. Одатда, лаганлар думалоқ, тухумсимон (лаъли), тўрт-бурчак шаклда ясалади. Мис лаганларга илк бор бухоролик наққош Абдусалом Ҳамидов расм беришни бошлаган. Бу иқтидорли устанинг ўзига хос услуби бўлган. Фалак жисмлари бўлмиш қуёш, ой, юлдуз билан биргаликда уста ўзининг севимли мавзуси бўлмиш Бухоро меъморий ёдгорликлари тасвирини мис лаганларга моҳирлик билан ишлаган.

Қадимги даврларда ҳам мис ишлатилганлиги ҳақида юнон тарихчиси Ҳеродот ва Страбон асарларида маълумотлар учрайди. Бу маълумотларга кўра, «Массагетларнинг буюмлари тилладан, найза, ўқ ва ойболталари мисдан ясалган. Бош кийимлар, белбоғ ва боғичлар тилла билан жилоланган. Улар от тўшига тақиладиган совутни мисдан, юган ва эгар тўқаларини эса тилладан ясаганлар». Ўрта асрлардан бошлаб мис ишлаб чиқариш кўлами жуда кенгайган. X асрда яшаган тарихчи Мақдиси берган маълумотга кўра, катта мис қозонлар, нафис мис қадахлар Самарқанддан, мис чироқлар эса Бухородан араб мамлакатларига келтирилган.

Ўрта Осиёда XV асргача асосан бронза ва бронзадан ясалган буюмлар кўпроқ ишлаб чиқарилган. Энг яхши бронза етти хил маъдандан: темир, қалай, рух, кўрғошин, мис, тилла ва кумушдан иборат бўлган. XVI-XVII асрда кўпгина бронза буюмлар эритилиб, улардан танга пуллар зарб қилинган ва шу даврдан бошлаб бронза ўрнини қизил ва сариқ мис эгаллаган. Мисга техник жиҳатдан ўйма, тешма, қалами каби услубда нақш бериш мумкин. Авваллари табиий мис қизитилмасдан ишланар, шу сабаб ундан ясалган буюмлар юмшоқ ва мўрт бўлган. Кейинчалик мис ва қалай қотишмаси ихтиро қилинган, ундан ясалган идишлар бир қадар пишиқ кўринишга келиб, идишга нақш бериш, гул солиш урф бўлган. Металл буюмларга нақш бериш билан бирга унга ярим қимматбаҳо тошлар: яшма, фируза, ақиқ кабилар ҳам қадалган. Бундай буюмларда хаттотлик намуналари ҳам кенг қўлланилган.

Ҳозирги кунда музей тўплами усталар ва уларнинг шогирдлари, давомчилари ишлари билан бойиб бормоқда. Зеро, айнан истиқлол кўп асрлик тарихга эга ушбу санъатга чин маънода, истиқбол бахш этди.

Сайёра УСМОНОВА,
Ўзбекистон Амалий санъат музейи
катта илмий ходими

QIRQ yaproqda jumboq

Olloyor BECALIYEV

*Baliqing eng ochofuli,
O'tkir jag'i jon ofati!
Bu nimadir, toping-chi?! (Akhla)*

*Puldek sanaydi vaqtini,
Egallab baland taxtni,
Bu nimadir toping-chi?! (Soat)*

*Yerga yashil poyonoz,
Suruv unda butun yoz!
Bu nimadir, toping-chi?! (Yahud)*

*Kulcha bo'lib yotar u,
Tegsang o'zin olar u,
Bu nimadir, toping-chi?! (Sog'at)*

*Ikki g'ildirak-oyoq,
O'rtada temir tayoq, (Samoqat)*

*Baliq unga nevara,
Kiftida-chi — favvora! (Kaf)*

*Etagi-yoz, boshi-qor,
Kiftida o'ynar olqor! (To'g')*

*Kulol edi ustasi,
Sindi birdan yuztasi! (Sodot)*

*O'tmaganday hech tishi,
Bo'lib yegan qirq kishi!
Bu nimadir, toping-chi?! (Mayiz)*

*Yuzi qora bo'lsa ham
Darsda kerakdir har dam! (Daska)*

*Yo'qdir tuynuk-teshigi,
Jo'janing ilk beshigi!
Bu nimadir, toping-chi?! (Tuxum)*

*Mayliga ming quroq bo'lsin,
Noz-ne'mati ko'proq bo'lsin!
Bu nimadir, toping-chi?! (Dastixon)*



Dilxiroj



Шундай куйлар борки, инсон кўнглини юксакларга кўтариши, хаёлини олис-олисларга олиб кетиши, дардига шифо бўлиши мумкин. «Дилхирож» ҳам шундай куйлардан биридир. Дил – кўнгил, хирож – солиқ, тўлов, яъни дилнинг тўлови ёки кўнгил билан тўланадиган бож деб талқин этишади. Баъзи манбаларда «Дил хараш» кўнгилни тирновчи ёки дилнинг тирналиши деб келтирилади. Рақс усталарининг айтишича, «юрак қули» деб ҳам аталади. Яъни юракдаги дардни сўз билан изҳор қилиш қийин, фақатгина куй, кўшиқ ёки рақс билан намён этиш мумкин деган хулосага борилади.

Дилхирож дастлаб куй шаклида оммалашганини, унинг мусиқаси жуда узоқ вақтдан бери халқимиз орасида ижро этилиб келинганини айтиб ўтиш жоиз. Мазкур мусиқанинг пайдо бўлиши борасида оғиздан-оғизга ўтиб келаётган турли афсоналар мавжуд. Уни халқ яратиб, такомиллаштиргани бизга аён. Шу сабабли ҳам «Дилхирож» халқ куйи деб аталади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Темур Маҳмудов «Дилхирож»нинг ашуласи ҳақида қуйидагича маълумот беради: «Бухоро амири Амир Олимхон йилда бир марта энг таниқли санъаткорларни чақириб, саройида базм ўтказаркан. У энг яхши санъаткорларни чақиритиш сарой бош ҳофизи Домла Ҳалим Ибодовга топширар экан. Мана шундай базмлардан бирига Домла Самарқанддан Ҳожи Абдулазиз Расуловни, Хўжанддан Содирхон ҳофиз Бобовларни чақиритди. Биринчи бўлиб Содирхон ҳофиз «Содирхон ушшоғи»ни айтибди, ундан сўнг Фузулий ғазалига Эшонхўжа Вола томонидан ёзилган «Бозиргони» мухаммасини Ҳожи Абдулазиз ижро этибди. Тўйчи ҳофиз эса «Чоргоҳ»ни, сўнг афсонавий Дилхирож куйига Фузулийнинг:

**Ҳосилим барқи ҳаводисдан маломат доғидир,
Маснадим кўйи маломатда фано тупроғдир...**

мисралари билан бошланувчи ғазалини куйлабди. Ашула амирга маъқул келибди ва ҳофизга кўп совға-саломлар берибди. Шундан сўнг «Дилхирож» куйини Фузулий ғазали билан ижро этиш анъанага айланган экан».

«Дилхирож» рақси куй ва ашуласи билан кетма-кетликда халқ орасида шаклланган. Бу ҳақда таниқли раққос, «Дилхирож» рақсининг моҳир ижрочиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Назриддин Шерматов шундай дейди: «Бу рақс асл ҳолида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдуғаффор Қодиров томонидан ижро этилган ва кўпгина ҳаракат-

ларни халқ рақсларидан олган, кейинчалик эса бу рақс мен учун қайта саҳналаштирди. Мен «Дилхирож» рақси билан дунёнинг олтмишдан зиёд давлатларида бўлдим. Бу рақс устоз ва шогирд йўли билан бизгача етиб келди. Мен ҳам «Дилхирож» рақси сирларини ўз шогирдларимга ўргатиб, анъанани давом эттирмоқдаман».

«Дилхирож» ҳақиқий эркаклар рақси эканлиги билан ҳам бошқа рақслардан ажралиб туради. Бу борада Ўзбекистон халқ артисти, балетмейстер Қодир Мўминов шундай дейди: «Дилхирож» рақси ҳақиқатан ҳам йигитлар рақси, аммо бу рақсни қизлар ҳам ижро этади. «Дилхирож» куйнинг ўзи эмас, ашуласи билан ижро этилгани маъқул. Бугунги кунга келиб, бу рақснинг ёш болалар ҳам жуда қойилмақом ижро этишмоқда. Аммо рақс маъноси болаларбоп эмас. Болалар ижросидаги «Дилхирож»ни фақатгина завқ учун томоша қилиш мумкин, лекин у томошабин билан дардлаша олмайди».

«Дилхирож» рақси ўзининг аниқ ва чиройли ҳаракатларга эга эканлиги, қўл ва оёқ ҳаракатларининг уйғунлиги, рақс жараёнида ички кечинма намён бўлиши билан инсонни ўзига жалб қилади. Бу рақс ижроси жараёнида раққос ўзининг дардини, бор маҳоратини, ўзбек йигитларига хос мардлиги ва чаққонлигини кўрсатади. Ижрочи саҳна бўйлаб ҳаракат қилади. «Дилхирож» рақсида нозик ҳаракатлар йўқ. Барча ҳаракат ва ҳолатлар ўтли, шиддаткор ҳамда аниқ. Рақс давомида секин ҳаракатдан бирдан тезлашиш, тез ҳаракатдан кутилмаганда сокин ҳолатга ўтишлар мавжуд. Бундай мураккаб жараёнларда раққос маҳорати намён бўлади.

«Дилхирож» рақсида кийиладиган либослар ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Мазкур либослар рақс жараёнида маълум бир маъноларни беради ҳамда рақснинг бойишига сабабчи бўлади. Бу рақсда раққос бошига фарғонача дўппи кияди ва унинг устидан кичик қийиқча боғлайди. Қийиқча ҳар доим чап томондан боғланади. Раққос эгнига оқ ятак ва унинг устидан беқасам тўн кияди. Тўннинг ўнг енгини киймасдан қайириб белбоғига қистириб кўяди. Бу кучи билагига сигмаган йигит; меҳнат қилиб чарчаб, кўкрагига ҳаво кириши учун бажарилган ҳаракат ёки қаноти қайрилган, яъни бошига иш тушган маъноларини беради. Раққос қора шалвар ва оёғига нақшинкор энгил этик кияди. Ўзбек халқининг оёқ кийимига ҳам дид билан нақш солиши, эстетик қарашлари юқори эканидан далолат беради. Мана шундай бой маъноларга эга бўлган либослар рақсга янада кўрк бағишлаб, ҳар томонлама мукамал ва сержило бўлишига ёрдам беради. Бугунга келиб ҳам бу рақс ўзининг асл ҳолатини йўқотмаган ҳолда кўпгина ёш раққосларимиз томонидан ижро этилмоқда.

Нурбек ҒАФУРОВ



алқимиз азал-азалдан ўзининг бўш вақтларини ҳар хил удумлар, маросимлар, тантаналар, ўйинлар ўйнаш, дostonлар тинглаш, қуйлаш, матал, топишмоқ ва тез айтишлар билан ўтказган. Бу жараёнларда маънавий бойликлар авлоддан авлодга

ўтиши таъминланиши билан бирга ёш авлоднинг соғлом вояга етиши ҳам кўзда тутилган. Халқ ўйинлари асосан болалар ва ўсмирлар орасида, кенг ҳовли ҳамда далаларда ўйналган. Бу ўйинлар ўзига хос ҳолда мавсумий ўйинларга бўлинган. Масалан, чиллак, ланка, лаппак, бештош, чўнка шувоқ, пода лов-лов, ёки пода гов-гов, яшин топалоқ ёки бекинмачоқ, қувлашмачоқ, арқон тортиш, кўзбойлар, оқ суяк, эшак минди, яёв кўпқари, болқон-болқон, тош кўтарар, бўта солай ва бошқа жуда кўплаб ўйинлар болалар ва ўсмирлар орасида кенг тарқалган. Бу ҳаракатли ўйинларнинг ўзига хос қонун-қоидалари ва урф-одатлари бор. Ўйинларнинг ҳаракатли қисмлари боланинг соғлом ва чиққан ҳолда ўсишига ёрдам берса, ўйин орасидаги айтишув ҳамда кузатувлар боланинг зехнини ўстиради. Бу жиҳатлар болани жамоа билан ишлашга ўргатиб, қолаверса, эркин фикрлашга, жамоани ҳурмат қилишга, фикр доирасини кенгайтиришга, баркамол бўлиб улғайишда катта ўрин тутати.

Чиллак ўйини жараёнида боланинг оёқ, бел, кўкрак қасми, иккала қўл, боши бирдай ҳаракат қилади ва тўғри, соғлом ривожланади. Кўз билан чилликни кузатган ҳолда орқага қараб югуриши боланинг барча мускулларини ишга солиб, абжирлик, чаққонлик, хушёрликка ўргатади.

Тиббиётда кўз учун махсус машқлар бўлиб, улар чапга, ўнгга, юқорига, пастга қараш, бир нуқтага тикилиб туриш каби ҳаракатлар орқали бажарилади. Халқ ўйинларидан бештош каби қизлар ўйинида ҳам шу ҳаракатлар беихтиёр равишда такрорланади. Ўйин давомида нафақат кўз ҳаракатлари, қўл чаққонлиги, ўзига хос зийраклик, тезкор фикрлаб чамалаш кабилар шаклланади. Бу ўйиннинг қоидалари жуда кўп бўлиб, ҳар жойда ҳар-хил номланганидек, ўйналиши ҳам турлича.

«Оқсуяк» ўйини қоронғу тушиш арафасида ўйналгани учун болаларни зийракликка ўргатади. Шунингдек, болаларнинг гуруҳларга бўлиниб ўйнаши уларда ҳамдўстлик, жамоа бўлиб ишлаш кўникмалари ва абжирлик каби хусусиятларни шакллантиради.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, донишманд халқимиз азал-азалдан бола тарбияси билан алоҳида шуғулла-



ниб, унинг соғлом ва баркамол бўлиб етишиши учун нафақат эртақ, матал, айтишув, дoston ва топишмоқлар айтиш, балки турли ўйинлар орқали ҳам таъсир қилганлар.

Раҳматулла САРИМСОҚОВ

XALQ O'YINLARI

Болалар онгига Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, одоб-ахлоқ, эзгулик ва инсонийлик каби юксак маънавий мезонларни сингдириш доимо долзарблик касб этиб келган.

Маълумки, аксарият болалар бўш вақтида мультфильм томоша қилишни ёқтиради. Хўш, мазкур мультфильмлар ёш томошабинларга қандай маънавий озуқа бермоқда? Интернет ва ахборот асрида юртимизга кириб келаётган барча мультфильмларни ҳам юксак маънавий-ахлоқий мезонларга жавоб бера олади, деб айта оламизми?


Multifilmlarning


bolalar tarbiyasidagi o'рни

Кино санъатининг ушбу жанри жажжи томошабинда чуқур ва ўчмас таассурот қолдиради, яхшилик ёхуд ёмонлик ҳақида илк тушунчаларни пайдо қилади. Бизнингча, мультфильмлар боланинг улғайиб касб танлаши, келажакда қандай йўлдан боришига бевосита таъсир қиладиган омиллардан биридир. Мультфильмларни яхши кўрмайдиган, севиб томоша қилмайдиган бола бўлмаса керак. Унинг сеҳрли оламига шўнғиб, гоҳида сеvimли қаҳрамонларига тақлид қиладиган болаларни кўп учратамиз. Уларнинг хатти-ҳаракатидан баъзан кўнглимиз тўлса, баъзан жиддий ташвишга туриб қоламиз. Сир эмас, глобаллашув туфайли инсон ҳаёти, айниқса, ёшлар ва болалар онгу тафаккурига, тарбиясига моҳиятида турли ғаразли мақсадлар яширин

бўлган таҳдидлар хавф солмоқда. Ўз навбатида, бундай хавотирли ҳолатлар мамлакатимизга кириб келаётган айрим хориж мультфильмларида ҳам намоён бўлмоқда. Зўравонлик, ёвузлик, жангарилик ва беҳаёлик каби иллатларни тарғиб қиладиган бундай мультасарлар халқимизнинг фарзанд тарбиялаш билан боғлиқ неча минг йиллик анъана ҳамда қадриятларига путур етказиши мумкин.

– Айрим ҳолларда болалар ҳатто катталарни ҳам саросимага соладиган, шиддатли жанглар, ваҳимали отишмалар билан боғлиқ бўлган мультасарларни томоша қиладигани сир эмас. Аҳамиятсиздек туюлган бундай мультфильмлар боланинг мурғак тасаввурига сингади ва кийиниши, муомаласи, тарбиясига секин-аста таъсир кўрсата бошлайди, – дейди психолог Дилфуза Ғаниева. – Шу жиҳатдан мамлакатимизда фарзандларимизни ҳар томонлама фойдали маҳсулотлар билан таъминлаш-





га, кутилмаган кўнгилсизликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, хорижда ишлаб чиқарилаётган мультфильмларни таржима қилишда, тарқатишда тарбиявийлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яна бир эътиборга олиш керак бўлган муҳим жиҳат бор. Боланинг бир кунда уч соатдан ортиқ телевизор қаршисида ўтириши унинг ақлий ривожланиши пасайиши, турли хасталикларга чалинишига сабаб бўлиши мумкин. Узоқ вақт экранга тикилиб ўтириш натижасида болада тез толиқиш, асабийлашиш юзага келади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 мартда қабул қилинган «Ўзбекино» миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан бугунги кунда мамлакатимизда кино, хусусан, ёш болалар учун мультфильмлар яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, миллий мультфильмларда ҳам ранг-тасвир, овоз бериш, образларни болалар онгига мос тарзда намоиш этиш талаб даражасида эмаслиги каби ҳолатлар ҳам кузатиляпти.

Гап миллий мультасарлар хусусида борар экан, табиийки, сифатли, мазмунан бой ҳамда қизиқarli бўлиши кўп жиҳатдан сценарий муаллифи, расом ва режиссёрига, бир сўз билан айтганда, шу соҳага ихтисослашган профессионал ижодий гуруҳга боғлиқ эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади.


Мультфильм яратишда ранг-тасвир, персонажларнинг қиёфаси, техник сайқалдан ташқари кадр ортидаги музиканинг ҳам асар моҳиятини бойитишдаги ўрни аҳамиятлидир.

Мутахассислар фикрича, мультфильмлардаги ёқимли музиканинг болалар онгида эстетик завқ ва яшашга муҳаббатни кучайтиришда таъсири беқиёс экан.

Ижодкорларимиз яратаётган асарлар таҳлили кўплаб кўз илғамас камчиликларни намоён этмоқда. Ана шундай муаммолардан бири овозлаштириш. Миллий кадрятларимизга мос чет эл мультфильмларини она тилимизга таржима қилиш ва кичкинтойларга етказишни янада такомиллаштириш зарур. Таассуфки, айрим миллий ва хориж мультфильмлари хусусий студиялар томонидан аслига мутлақо тўғри келмайдиган тарзда, бўлмағур сўз ва иборалар билан ўзбек тилига ўгириляпти. Кўп ҳолларда мультқаҳрамонларга дубляж санъати мутахассислари эмас, балки эстрада хонандалари ёки кулги

усталари овоз бериши болалар учун қизиқarli бўлса-да, маҳорат етишмаслиги, овознинг персонажга тушмаслиги ҳоллари кузатилмоқда. Адабий тил мезонларидан четга чиқиб кетиш, диалогларда жаргонларнинг ишлатилиши фарзандларимиз тилида ўз аксини топмоқда.

Болалар ўртасида анча машҳур бўлган «Соҳибжамол ва маҳлуқ», «Шрек», «Миньонлар», «Мадагаскар», «Смурфлар» «Музлик даври», «Кунг-фу панда», «Жунгли шоввозлари», «Том ва Жерри» ҳамда «Кувноқ дўмбоқчалар» каби мультфильмлар бир қарашда ҳаммани, ҳатто катталарни ҳам қизиқтириши тайин. Бироқ кўзга кўринмас қитмирликлар, дидсизликлар, маҳмадоналиклар бола онгида ўзи билан улғайиб боради. Мазкур фильмлардаги образларда кузатилаётган турли ғайриахлоқий қилиқлар, кексаларнинг мазах қилиниши, ота-онага ҳурматсизлик каби лавҳалар миллий анъаналаримизга соя солади. Албатта, улар орасида «Қирол шер», «Спирит» ва бошқа шу сингари бадиий асар даражасидаги картиналар ҳам бор. Аммо аксарияти шўхлик ниқоби остидаги қитмирлик билан суғорилган. Яна бир мисол. Сўнги пайтларда экранларимизда пайдо бўлган, болаларнинг қалбидан чуқур жой эгаллаган «Қизалоқ ва маймоқ» мультфильми ҳақида турфа хил қараш ва фикрлар мавжуд. Кўринишидан беғубор, беозордек кўринса-да, аммо болаларга қандай таъсир кўрсатишини, қандай мазмунга эга эканлигини чуқур таҳлил қилиб кўришимиз лозим.





– Афсуски, мультипликация санъатида мутахассислар етишмаяпти, болалар учун ижод қиладиган ёзувчилар, сценарийнавислар асар яратишда бироз оқсаётгандек, назаримда. Мен ҳам бир ижодкор сифатида шунни айта оламанки,

жаҳон мультипликация санъатида битта мультфильм яратилишида юзлаб инсонларнинг меҳнати сарф этилади. Бизда ҳам шундай ёндашув мавжудмикан? – дейди ёзувчи Нигина Ниёз. – Бу фикрим билан ғарб мультфильм санъати ривожини ёки фаолиятини ўрناق қилиб кўрсатиш фикридан йироқман. Лекин, ачинарли тарафи шундаки, бизнинг нафақат ижодий, балки техника ва сифат жиҳатидан ҳам имкониятларимиз сустроқ. Менимча, анимация соҳасидаги мутахассислар сонига эмас, сифатига кўпроқ аҳамият беришимиз керак..

Албатта, бу билан мамлакатимизда мультфильм яратиш ишлари ачинарли ёхуд салбий аҳволда экан, дея хулоса қилишдан йироқмиз. Айтиш лозимки, бугунги кунда ўзбек мультипликаторлари болажонларимиз учун бир-биридан қизиқ мультфильмларни яратишда давом этмоқдалар. Соҳага кўрсатилаётган эътибор ва имкониятлар самараси ўлароқ юксак савияли мультфильмлар суратга олинishi учун ажратилаётган маблағ ҳажми янада оширилди. Сўнгги йиллар мобайнида яратилган «Икки қўшни ва қовун», «Нўхат полвон», «Жасур типратикон», «Айиқча», «Очкўз хўрозча», «Широқ ҳақида афсона», «Куч бирликда», «Сариштали уй – фариштали уй», «Синбоднинг саргузаштлари», «Олтин кетмон», «Жажжи пари», «Семурғ – бахт куши», «Эркин бобо ва унинг эртаклари» каби миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизга мос 90 дан ортиқ мультфильмлар қатор кўрик-танловларда, халқаро фестивалларда совринли ўринларни эгаллагани ютуғимиздир.

Ўйлаб қарасак, буюк аждодларимиз ҳаёти, диёримиздан етишиб чиққан миллий қахрамонлар ҳақида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қанчадан-қанча афсона ва ривоятлар, ҳикоятлар, эртаклар бор. Агар бизнинг мутахассисларимиз ана шу

меросимизни ўрганиб, улар асосида ҳар жиҳатдан профессионал даражадаги мультасарлар яратадиган бўлса, ишончимиз комилки, улар нафақат болажонларимиз тарбиясига катта ижобий таъсир қилади, балки жаҳон экранларидан ҳам ўзига муносиб жой олади, эътироф этилади. Чунки миллий меросимиз эзгу фазилатлар, инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган. Инсоний фазилатлар эса барча миллат ва элатлар томонидан доимо эътироф этиб келинган.

– Бугун телеканаллар кўпайгани, томошабиннинг танлаш имконияти ортгани сабаб турли хил мультфильмлар сони ҳам ортиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта, – дейди уй бекаси Қундузхон Абдуллаева. – Эcran орқали бериб борилаётган мультфильмлар болажонларимиз учун хазинанинг ўзи бўлди. Фарзандларим ҳали ёш бўлганликлари сабабли, бўш вақтларида мультфильмларни севиб томоша қилишади. Аммо айрим картиналардаги фантастик лавҳалар фарзандларимда кўрқув уйғотади ёки жанжалкаш, инжиқ бўлиб қолишига сабаб бўлади. Баъзилари эса, ўйинқароқликка, ишёқмасликка етаклайди. Тўғри, ўзбек миллий эртакларимиз асосида яратилаётган мультфильмларда ғоя ва мақсад, тарбиявий жиҳатлар устун. Ижодкорларимиз мультфильм ишлаб чиқаришда кўпроқ ўз миллий-маънавий меросимизга, ҳалқ оғзаки ижодига мурожаат этмоқда. Эrtак, дostonларимизда кўп йиллик тарихимиз, миллий анъаналаримиз, халқимизга хос ватанпарварлик, мардлик, олижаноблик сингари фазилатларнинг акс этиши, биз, ота-оналарни қувонтиради. Бироқ, қатор мультфильмлардаги қахрамонларнинг қиёфаси, воқеалар жамланмаси фарзандларимизни ўзига жалб эта олмаяпти.

Мазкур мавзуни ўрганаётиб, бу санъат турини ишлаб чиқариш жараёнига психологлар, малакали педагоглар ҳам жалб этилса, деган фикр кўнглимиздан ўтди. Бундай мутахассислар болалар дунёқарашини яхши билгани учун, таъсирчан сценарийлар, фойдали ғоялар билан соҳа ривожига катта ҳисса қўшиши мумкин.

Фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтириш борасидаги эзгу ишларга ҳисса қўшиш барчамизнинг энг муҳим вазифаларимиздан бўлиши керак. Зеро, биз юксак маънавиятли, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш тарафдоримиз. Шу йўлда арзимасдек туюлган жиҳатларни ҳам ўрганмоғимиз, ёш авлоднинг беғубор дунёсини салбий ва ёт таъсирлардан асраш йўлида ҳаракат қилмоғимиз зарур.

Соҳиба ҒАНИЖОНОВА

Qo'g'irchoq



teatri tarixi



Ҳозир кўғирчоқ театрлари асосан болалар учун томошалар кўйса-да, аслида катталар театри сифатида дунёга келган. Ўзбек кўғирчоқ театри энг қадимий миллий санъат турларидан бири бўлиб, ўзининг ривожланиш тарихига эга. Кўғирчоқлар воситасида томоша кўрсатиш асрлар давомида ўзгариб, шаклланиб борди ва ҳаётимиздан чуқур ўрин эгаллади. Бу ҳақда таниқли олим, санъатшунослик фанлари доктори М.Қодиров шундай ёзади: «Осиё кўғирчоқ театри бу шунчаки эртақ, ўйин эмас, балки бир қитъа халқларининг фалсафаси, дини, адабиёти, эпоси, мусиқаси, фольклори, тасвирий санъати ва албатта, тиллари билан чамбарчас боғлиқ бўлган муҳим тарихий бадиий ҳодисадир». Бизда «Кўғирчоқ ўйин» деб юритилувчи бу санъатнинг, хусусан, кўлда кийиб ўйнатиладиган, ип билан бошқариладиган ва сояси тушириладиган турлари ўтмишдан кенг тарқалган. Улар «Чодир жамол», «Чодир хаёл», «Фонус хаёл» деб аталган. Чодир — сахнасининг тузилиши, кўғирчоқларнинг ясалиши ва ўйнатилиши, спектаклларнинг тематикаси ва ғоявий-бадиий хусусиятларига кўра ушбу турлар бир-биридан муайян даражада фарқ қилса-да, уларни уч жиҳат яқинлаштириб турган. Ҳамма тур томошаларида ҳам мусиқа муҳим роль ўйнаган. Уларда Корфармон номидаги уста ва тажрибали кўғирчоқбоз, одатда, труппа бошлиғи томошабинларга кўринган ҳолда кўғирчоқ-қаҳрамонлар билан савол-жавоб қилиб, уларнинг баъзи гапларини изоҳлаб, томошани бошқариб ҳамда айни чоғда, «зал» билан сахнани ўзаро яқинлаштириб турган. Шунингдек, чодир ости, усти ёки ортидаги кўғирчоқбоз тилига сафил деган мослама-пуфлагич кўйиб кўғирчоқларга мос чийилдоқ, ўткир товуш ҳосил қилган.

«Чодир жамол»да ижтимоий ва маиший ҳаёт билан боғлиқ бўлган воқеалар сатира, юмор воситалари билан акс эттирилган. Воқеалар марказида Качал Полвон образи турган. У ҳам мазмун, ҳам бадиий жиҳатдан ҳар хил бўлган сахналарни бир-бирига улаб, пайванд қилиб борган. «Чодир жамол» театрида ҳар сафар жуфт кўғирчоқ чиқиб бир кўриниш, яъни битта митти пьеса ҳосил қилган. Кўринишлар сони кўғирчоқларнинг қанчалигига боғлиқ бўлган. Тарихий маълумотларга кўра, қирқтагача кўғирчоқ иштирокида ўйинлар намоиш этилган.

«Чодир хаёл» театри «Чодир жамол»га нисбатан мураккаб ва мукамалроқ бўлган. Бу театр томошалари, одатда, кечкурунлари кўрсатилгани, шуъла ва шовқиндан фойдаланилгани туфайли қора пардалар ичидаги кўғирчоқларнинг иплари кўринмай, худди кўғирчоқларнинг ўзлари ҳаракат қилаётгандай табиий ва ажиб ман-

зара ҳосил қилган. Ҳар бир моҳир кўғирчоқбоз айни вақтда иплар ёрдамида 8-10 кўғирчоқни ҳаракатга келтирган. «Кўл кўғирчоқ» театрида бир томошада кўпи билан ўн кўғирчоқ иштирок этган бўлса, «Чодир хаёл»да бир йўла эллиқдан ортиқ кўғирчоқ ўйнатилган.

«Чодир хаёл» кўғирчоқлари каттароқ ясалиб, кўлоёқлари бўлган. Бизга маълум кўғирчоқлар орасида Эрناзар маймунча, Тошпўлат дорбоз, Ориф жарчи, Ойша олмабоз, Хитой табиб, Йўлдош ясовул, Сайдулла юзбоши, фаррош, оташхўр, тосбоз, тўпчи, яллари, каби типлар; дев, аждар, лайлак, маймун, эшак каби махлуқ ва ҳайвонлар киёфаси учрайди. XIX асрнинг сўнги чорагида улар ёнига рус сарбозлари ва акробатлари, дўхтир Ботирнинг кўғирчоқлари ҳам қўшилган.

Шундай қилиб, ўзбек кўғирчоқ театри ижтимоий-юмористик характерга эга бўлиб, муҳим мафкуравий ва эстетик аҳамият касб этган. Кўғирчоқбозлар профессионал санъаткор эканликлари, мавзу-материал махсус танлангани туфайли, улар яратган театрнинг ғоявий-бадиий даражаси ҳам юқори бўлган.

Театрнинг ҳар икки турида ҳам томошаларни асосан, икки киши — кўғирчоқбоз ва корфармон бошқарган. Корфармон кўғирчоқбозларни гапга солган, томошани бошлаган, шунингдек, созандалик вазифасини ҳам бажарган. Кўғирчоқбоз чодир ичида ёки орқасида сафил ёрдамида кўғирчоқлар тилида гапирган, уларни ҳаракатга келтирган, бадиий образ яратган.

Кўғирчоқбозлар айни вақтда мусиқадан яхши хабардор бўлганлар. Мусиқа ҳам бадиий безак сифатида, ҳам қаҳрамон ҳолатини ифодаловчи восита сифатида хизмат қилган. Кўғирчоқбоз созандалар кўғирчоқ ўйинлар учун махсус «Уфар», «Миёнхона», «Чарх», «Дувача паррон» каби бир қанча ажойиб куйлар яратганлар.

Дарҳақиқат, ўзбек анъанавий кўғирчоқ театри замирида халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари, маънавий салоҳияти-ю илмий даражаси, шу билан бирга, бой маданиятимиз мужассамдир. Бир сўз билан айтганда, бу санъат кўз ўнгимизда қадим тарихни гавдалантиради. Кўғирчоқ театрининг жажжи мухлисларига кўрган томошасидан хулоса чиқариш билан бирга, айни санъат тарихи, анъаналарини ҳам тушунтириш фойдасидан холи бўлмайди.

Анвар ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтининг катта ўқитувчиси

Kuzgi libos

Эрталаб ишга отланар эканмиз, кийим жавони олдига келиб, бугун нима кийиш ҳақида ўйлаб қоламиз. Бу масала, айниқса, кузнинг ўзгарувчан об-ҳаволи кунларида янада долзарб тус олади. Куз фаслида қандай кийинган маъқул, бу мавсумга мос либос танлашда нималарга эътибор қаратмоқ зарур? Бу кузда мутахассислар бизга қай услубда кийинишни маслаҳат беришади? Шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида батик услубида кийимлар тайёрлайдиган хунарманд-дизайнер София Ашуралиевага мурожаат қилдик.

– Софийахон, бу йилги куз мавсумида дизайнерларимиз бизга қандай либосларни таклиф этишади?

– Кузда тепа қисми кенг, яъни қулай либослар урфга айланиши кўзда тутилмоқда. Миллий адрас матосидан қавилган костюм, кардиган кийимлар жорий кузги мавсумда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Мутахассислар бу йил ёрқин ранглар урфда бўлмаслиги ҳақида фикр билдирмоқдалар. Улар янги коллекцияда асосан бир-бирига уйғунлашадиган ранглардан фойдаланишмоқда. Ўз навбатида матолар комбинациясидаги бичимлар инobatга олинмоқда. Чарм, бахмалсимон чарм, ялтироқ, тўрсимон, тўртбурчак, йўл-йўл, ёрқин гулли, бахмал, жун матолари урфга айланмоқда. Деталларга келсак, йирик аппликация, узун қирқимли, матодан кескин фарқланадиган тугма, чўнтак, тўлқинли пирпирак, мўйнали безаклардан фойдаланилади.

– Сизнингча, қандай бичим ва ранглар урфга айланади?

– Кузги коллекцияларда тилла, қумуш, тўқ лимон, ялпиз, қаймоқранг, оч жигарранг, тўқ яшил, осмон ранг, оч қулранг ва иссиқ ранглардан фойдаланилаяпти. Ўзимнинг шахсий коллекциямда ҳам асосан жинси матоларидан кўп фойдаланиб, уларга миллий буюмлар билан батик усулида безаклар бераяпман. Масалан, пахта ёки дўппининг гулларини тикаман. Менинг фикримча, фақат бир хил рангдан иборат либос одамлар учун жуда зерикарли бўлади. Либос мафтункор бўлиши учун бошқа ранглардан ёки миллий мато, миллий безаклардан фойдаланаман. Чунки ушбу услуб ёш танламайди ҳамда


замонавийлик билан миллийлик ҳамнафас бўлиб туради. Бичимга келсак, қоматни чиройли кўрсатиб туривчи ва кенгроқ кўринишда тикилган кийимлар урфга айланиши кутилмоқда.

– Ушбу мавсум учун қулай ва жозибали услубдаги соч турмаклари ҳақида ҳам маълумот берсангиз...

– Турмаклардан менга доимо ёқадигани ва ўйлашим бўйича, энг қулайи йиғилган сочлардир. Ўзбек қизларимизга йиғилган сочлар ярашади. Бундай турмакда қош-кўз ва чеҳранинг гўзаллиги кўриниб туради. Соч либосни тўлдиради. Ўрилган сочлар ҳеч қачон урфдан қолмайди. Соч ўришнинг турлари кўп. Хилма-хиллиги билан одамни қизиқтиради. Масалан, либос бичимига қараб ҳам ўришингиз мумкин. Менимча, қундалик юришимизга йиғилган соч яхши. Бундай турмакнинг ўзига хос қулайлиги ҳам бўлиб, бошда қон айланишини яхшилаб, соч ўсишига ёрдам беради.

– Қундалик кийимларда қандай миллий нақшлардан фойдаланган маъқул?

– Батик услубидаги янги либосларимга пахта ва ургут, ироқи дўппининг гулини тушираяпман. Битта рангдаги кийимнинг ўрта қисмига дўппи гулини туширса, либос жуда ҳам мафтункор бўлади. Ушбу услубдаги либослар чет элларга чиқаяпти. Битта рангдаги замонавий либосга туширилган шу миллий орнаментнинг ўзи гўзалликни, миллий ғурурни кўрсатиб туради. Рўмол, шарф, жинси матоли комбинзонда ҳам миллий нақшларни, қундалик кийимларга кўлда кашта уриб тикаяпман. Бу либоснинг алоҳида ажралиб туришини таъминлайди. Оқшом либосла-



рига миллий деталларни туширишда эса попопдан фойдаланаман. Попоп ювилган сари ўз хусусиятини йўқотиши мумкин. Шунинг учун попопли кийимлар ҳар кун ҳам кийилавермайди. Кашта қуюқ тикилади, неча маротаба ювилса ҳам кўринишини, нафислигини йўқотмайди.

– Либосларга мос аксессуарлар қандай танланади?

– Кузда тўртбурчак шаклдаги пошнали туфлилар қулай. Пошнаси рангли, безатилган, қалин туфлилар ва яна танкетка, спорт кўринишидаги пойабзаллар урфга айланмоқда. Сумкага келсак, узун-узун қирқимли, сандиқча, ярим ой шаклли, тилларанг деталли ва кичик ҳажмдаги сумкалар урфда. Миллий либослар, умуман, миллий матолардан фойдаланилган ҳар қандай либос турли туфли ва сумкалар билан уйғунлаша олади. Муҳими аёл кишининг ўзи бу либосни беаб турсин. Бизнинг ўзбек қизлари ва аёллари ўз латофати, иффати ва малоҳати билан ҳамиша ўрناق бўлишган.

Нигина ҒУЛОМОВА суҳбатлашди




— Ўтиринг, ака! Ҳангомалаше-е-еб кетамиз! Шу жийронтойимнинг ёшиям ўттиздан ошдиёв! Кунимга яраб турибди, тирикчиликнинг айби йўқ. Ишдан бўш пайтимда йўлга чиқаман. Бир замонлар битта такси тўхтаста, ўнта одам югуриб борарди. Ҳозир битта одам қўл кўтарса, ўн машина ғийқиллаб тўхтайдди. Шўпирлар орасида «клиентимни обқўйдинг» деб ёқа бўғишадиганлари ҳам бор! «Ҳой, барака топгур, карвон

Қараб турсам, чолнинг юзида нур бор. Ёлғондан ҳазар қилиши кўриниб турибди. «Савоб ҳам керак-ку», дедим ўзимга ўзим. Барибир шаҳар томон юраман. Йўл усти экан, ташлаб ўтақолай дедим-да, икковлашиб кўчқорнинг оёғини жуфтлаб боғлаб, багажника солдик.

Йўл-йўлакай гурунглашиб кетдик. Чол яқинда эварали бўлган экан. Бунинг устига, Наврўз байрами келяпти.

Ўткир ҲОШИМОВ



Oqsoqol

GENERAL

(Ҳажвия)

кўп, ризки бошқа, ўлар ердამисан», десангиз, «насиҳатингни уқанга қил» дейди. Вой, тавбангдай кетай!

Мол бозор кунлари Шўрабозорга тушиб тураман. Ораси яқин. Қўй-пўй харид қилганларни элтиб қўйсам, ҳарна беш-ўн сўм тушади, насибага яраша...

Бир куни саҳарлаб бозорга бордим. Баҳор эди. Шивалаб ёмғир ёғиб турибди. Жийронтойни тўхташиб, разм солсам, дарахт тагида бир чол турибди. Бозордан харид қилган қўйнинг арқонини ушлаб олган. Чолнинг олдига ҳали у шўпир боради, икки оғиз гаплашади-да, бурилиб кетади. Ҳали бу шўпир боради, қўл силтаб нари кетади. Охири мен ҳам бордим. Одатда, йўловчи «фалон жойгача қанча сўрайсиз», деб аниқлаштириб олади. Шўпир кира ҳақини айтади. Бир хиллари бор. Отасининг хунини сўрайди-да, «ками бор» деб ҳам қўяди. Бозордаги чайқовчи бўп кет-э, шоввоз!

Хулласи калом, яқин бориб салом бердим.

— Хизмат, отахон, қаерга обориб қўяй? — десам, чол негадир бош чайқади.

— Айтганим билан барибир обормайсан, шўпир болам, — деди.

Ҳайрон бўлдим.

— Нега обормас эканман? — десам, кулди.

— Неғалиги шуки, қўй харид қиламан, деб бир тийин пулим қолмади, — дейди.

— Бўпти, отахон, уйингизга борганда ҳисоб-китоб қилаверамиз, — деган эдим, бош чайқади.

— Иложим йўқ. Уйдагиларнинг бири ишга, бири ўқишга кетган. Кампиримнинг хемири йўқ... аммо уйим яқин. Рози бўлиб, текинга обориб қўйсанг, дуо қиламан, — деди.

Шунинг учун маҳалла-кўйни йиғиб издиҳом қилмоқчи экан. Оқсоқолнинг уйи чиндан ҳам узоқ эмас экан: нариси билан тўрт чақиримча. Зум ўтмай манзилга етиб келдик. Чол болаҳонали уйнинг дарвозасидаги кўнғироқни босиши билан ичкаридан ярашиқли кийинган ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги йигит чиқди. Аввал оқсоқолга, кейин менга салом берди. Тавозе билан қўшқўллаб кўришди.

— Менга қара, датсент! — деди чол зарда билан. — Анави қўйнинг оёғини ечгин-да, ҳовлидаги тутга арқонлаб қўй! Бўл тез!

Йигит «хўп бўлади, отажон», деб машина томон югурди. Икковлашиб қўйни туширдик. Йигит қўй етаклаб кетаётган эди, чол тагин ўша зардали оҳангда сўради:

— Аканг қани?

— Уйдалар, — деди йигит.

— Тез чиқсин баққа!

Йигит «хўп бўлади, отажон», деганча қўйни судрагудек бўлиб ҳовлига кириб кетди.

— Буниси — домла, — деди оқсоқол тушунтириб. — Институтда дарс беради.

Чол гапини тугатмасиданоқ ичкаридан милиция кийимини кийган подполковник чиқиб келди. У ҳам худди укасига ўхшаб салом берди. Иккаламиз билан қўшқўллаб кўришди.

— Энди бизга рухсат, отахон, — деган эдим, чол «шошмай тур» деб имо

қилди-да, подполковника буюрди:

— Қани, «қашланмайсанми», начайник?

— Хўп бўлади, отажон, қанча керак? — деди подполковник чўнтагидан ҳамён чиқариб.

— Йигирма минг!

Ўғли минг сўмликлардан кераклигини санаб чолга узатган эди, оқсоқол жеркиб берди:

— Менгамас, шўпир йигитга бер!

— Хўп бўлади, отажон! — подполковник шундай деб, пулни менга чўзди.

Ҳайрон бўп қолдим.

— Отахон, — дедим тушунтириб.

— Бошида келишганмиз: пул керакмас, дуо қилсангиз бўлди.

— Дуо ҳам қиламан. — Чолнинг чеҳраси ёришди. — Сен бунинг савлатига парво қилма, — деди ўғлини кўрсатиб. — Бу подполковник бўлса, мен генералман! Бу хонадоннинг лашкар-боҳиси мен бўламан!

Подполковник пул узатган кўйи жилмайиб турар, мен бўлсам, кира ҳақини олишни ҳам, олмасликни ҳам билмай гарангисиб қолгандим.

— Олавер, акангники таваррук, — деди чол. Сўнг бир зум сукут сақлади-да, тушунтирди. — Ҳали бозорда пулим йўқ, деганим бежиз эмасди. Қани, кўрай-чи, одамларда инсоф, ҳиммат, бировнинг ҳожатини чиқариш деган нарсалар борми, бор бўлса кимда, шуни билмоқчи эдим. Отанга раҳмат, шўпир болам! Сендақалар борлигига шукур!

— Барибир бу пул кўп, — дедим ростини айтиб.

— Ишинг бўлмасин, — дея чол силтаб ташлади. — Кам десанг, аканг яна қўшади.

Подполковник бирпас турса, кира ҳақи «болалаб» кетишини билди, шекилли, пулни чўнтагимга суқиб қўйди.

— Мана энди дуо қиламан! — деди чол қўл очиб. — Топган-тутганинга барака берсин! Уловингни тагидан доим шамол ўтиб турсин, шўпир болам! Ҳар хил балолардан Ўзи асрасин. Сен ҳам менга ўхшаб, манави аканга ўхшаб, пири бадавлат бўлиб юргин!

Машина томон юрган эдим, чол ўғлига тайинлади:

— Менга қара, начайник! Шу машинани номирини ёзиб ол! Йигитларингга айт: ҳеч ким, ҳеч қаерда тўхтатмасин, уқдингми?

— Хўп бўлади, отажон! — деди подполковник.

...Чолнинг ўғли чиндан ҳам ДАН соҳасида ишлайдими-йўқми, унисини билмадим-у, ўшандан бери машинани бирон жойда тўхтатишгани йўқ. Ҳатто бир-икки марта кўча четида турган инспектор йигитлар менга ҳест берганини ҳам кўрдим!



МУАММОНОМА

Калит сўзлар:

1. Доно дурдан – 1,12,3,7.
2. Асалари оиланинг – 15,1,19,2,19,2.
3. Ихлос – 16,1,3,7,5.
4. Ҳар садафдан 6,13,4 чиқмас.
5. Бир 19,7,14,7,9 дан бир сават нон.
6. Ёш чоғим – 7,3,15,2,8 чоғим.
7. Одам кўли 11,13,3 – чўлни бўстон қилади.
8. Одоб кишининг 18,17,19,2.
9. Одамнинг ҳусни – инсоф, Қалблар бўлсин 6,7,2,10 соф.

«ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ» ТОПҚИРЛИК МАШҚЛАРИ

КРОССВОРД

Қуйида келтирилган мақоллардан тушириб қолдирилган сўзларни топиб, шаклга рақамли хоналардан бошлаб ёзинг.
 «Занжир ҳолида»: 1. Зар қадрини ... билади. 2. Азоб кўрмай ... йўқ. 3. Чумчуқдан кўрққан ... экмайди. 4. Орзуга ... йўқ. 5. Ер хазина, ер ...
 6. Туяга янтоқ ... бўлса, бўйинини чўзади. 7. Ақл кўпга етказар, Хунар ... 15. От синови бир бўлар, Дўст синови ... бўлар. 16. Ҳар очилган ...
 бўлавермас, Ҳар кўринган дўст бўлавермас. 17. Ишни қилади асбоб, устаси уради ... 18. ... – таълим булоғи, Билим – ҳаёт чироғи. 19. Кулги
 - соғлиқдан 20. Ботирдан ... қолар, Донодан – сўз. 34.... тошни эритар. 35.... майдонда билинади. 36. Меҳнатдан ... ортар. 37. Мардлик ...
 38. Илм – бойлиқдан,... олтиндан қиммат. 39.... бахт келтирар.
 Диагональ бўйича чапга: 10. Хушёрлик мустаҳкам 13. Таъна қилма,... қил.
 26. Бургага аччиқ қилиб ... куйдирма. 28. Ота – ақл, она –... 29.... – бирликда. 31.... қалбда доғ бўлмас. 32. ... отангдай улуг.
 Диагональ бўйича ўнга: 14. ... – ганимат, Ўтса – надомат. 24. Хунар – хунардан ... 27. ... сўз – ҳаққа қарор. 30. Бол – ширин, болдан ...
 – ширин. 32. Етмиш гўзалликнинг — биттаси
 Ёй бўйича: 22. Кулги – жонга роҳат, танга 23. Бир йил ... эккан юз йил гавҳар теради.
 Энига: 8. Ота мулки бўлса ҳам аяб ... 9. Ўғит бер – ўғит олганга. Насиҳат қил ... солганга. 11. Кулги – соғлиқдан 21.... ўрнини той босар.
 33. Бола соғлиги – ... бойлиги. 41. Хушчақчаққа ... очик.
 Бўйига: 12. Осойишталик энг яхши 22. Ердан ер 25. Кўлам меҳнат билан 30. Бирлик йўқ, ... йўқ. 31. Ўт ва сув – ... ёв. 40. Шошганда
 ... топилмайди.

«ЎЗБЕКИСТОНИМ» ТОПҚИРЛИК МАШҚЛАРИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Фозилжон ОРИПОВ тузди

- МУАММОНОМА Калит сўзлар:** 1. Мўминова. 2. Тошкент. 3. Бухоро. 4. «Истеъдод». 5. Юсалиш. 6. Одил Ёкубов. 7. Таймазов. 8. «Жаҳон». 9. Янгийўл.
Ибратли сўзлар: «Аминманки, Ўзбекистоннинг келажаги буюк. Давлатимизда ҳамма нарса: табиий бойлиқлар, унумдор ерлар, азим дарёлар бор. Бу муқаддас заминда меҳнатсевар, истеъдодли халқ яшайди».
«ИСТИҚЛОЛ ЙИЛНОМАСИ» А. 1992. Б. 1993. В. 1994. Г. 2005.
КРОССВОРД: Ёйлар бўйича: 1. Фаниева. 2. Бозор. 3. Китоб. 4. Ромитан. 5. Воҳидов. 6. Лимон. 7. Шоший. 8. Шуманай. 9. Му-борак. 10. Патир. 11. «Роҳат». 12. Қадрият. 13. «Жасорат». 14. Архар. 15. Ёрдам. 16. Сунбула. 17. Хуррият. 18. Ибрат. 19. «Мадад». 20. «Каптива». 21. Маҳалла. 22. Атлас. 23. «Широқ». 24. «Камолот».



Аноркул Бойбеков 1966 йилда Сирдарё вилоятининг Гулистон туманида туғилган. П.Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртида таҳсил олган. У даргоҳда Ўзбекистон халқ рассомлари Рўзи Чориев, Ваҳоб Зиёев ҳамда Фахриддин Зайниддинов каби устозлардан рассомликнинг нафис жиҳатларини ўрганиб, маҳоратини оширди.


Аноркул Бойбеков асарларида табиат гўзаллиги, унинг ўзига хос манзараларини акс эттириш устуворлик қилади. Шунингдек, у ўз ижодида одамлар орасидаги меҳр-муҳаббат, инсоний муносабатларни нозик идрок этиб, ёрқин рангларда тасвирлашга интилади. Унинг ижодига оид «Ўлкамда баҳор», «Сирдарё бўйларида», «Мирзачўл тонги» номли асарларда қадим Сирдарё соҳилидаги табиатнинг бетакрор гўзаллиги ўзгача тарзда очиб берилган.

Мусаввирнинг «Тонг», «Шом», «Ойдин кеча», «Зомин тоғида байрам» сингари кўплаб асарлари нафақат республикамиз, балки бир қатор хорижий давлатлар, жумладан, Буюк Британия ва Японияда ўтказилган нуфузли кўргазмаларда намойиш этилган.


Musavvir Anorqul Boybekov ijodidan namunalar



980 9301



O'ZBEK SIRKI
YURTIMIZDAGI BARCHA
BOLAJONLARNI
QIZIQARLI,
QUVNOQ DASTURLARIGA
TAKLIF ETADI!



ISSN 2091-5330
OBUNA DAVOM ETMOQDA

Indeks: yakka obunachilar uchun – 820, tashkilotlar uchun – 806.

Хизматлар лицензияланган